# O‘zbekiston ovozi

№ 18
2020-yil, 27-may
Chorshanba (32.612)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

*Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!*




*Майк Райан,*
*ЖССТнинг фавқулодда ҳолатлар бўлими раҳбари.*

**«Дунё — ҳали ҳам коронавирус эпидемияси биринчи тўлқинининг ярмида. Коронавирусга чалинганлар сони камаяётган давлатлар карантин чекловларидан эрта воз кечишса, эпидемия қайталанишига дуч келишлари мумкин».**

**ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИДА**

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

## ижтимоий соҳадаги ижроси билан боғлиқ камчиликлар танқид қилинди

Давлат бюджети ижроси парламентда муҳокама этилиши — катта ижтимоий аҳамиятга эга масала. Бу жараёнда бюджет маблағлари соҳаларда ва ҳудудларда қандай сарфланаётганини таҳлил қилиш, камчиликлар бўлса, уларни тузатиш чораларини кўриш имконияти юзага келади.

Парламент қуйи палатасидаги ЎзХДП фракцияси йиғилишида 2019 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси ҳақида ҳисобот атрофлича кўриб чиқилди.



Аввало қайд этилдики, Давлат бюджети ижросида Президентимиз томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатида ўз аксини топган. Ҳар бир давлатнинг бюджети ижросига қараб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга баҳо бериш мумкин.

Фракция аъзолари муҳокамалар жараёнида ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағларнинг қанчалик самарали сарфлангани масаласига алоҳида эътибор қаратишди.

Давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлар улуши йилдан-йилга ошириб борилмоқда. Хусусан, ҳисобот даврида бунинг учун 63 трлн. 542,4 млрд. сўм ёки умумий харажатларнинг 53,9 фоизи миқдорида маблағ сарфланган. Бу харажатлар мамлакат ЯИМга нисбатан 12,4 фоизни ташкил этади.

Йил якунлари бўйича Давлат бюджети харажатларининг асосий қисмида таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақаларни оширишга йўналтирилгани эътироф этилди.

Аҳолининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган сиёсат Давлат бюджетининг солиқ сиёсатида ҳам ўзини аксини топган. 2019 йилдан янги солиқ сиёсати амалга оширилиши натижасида аҳоли умумий даромадлари 344,7 трлн. сўмни ташкил этган.

Маълумотларга кўра, солиқ ва ижтимоий тўловлар ставкаси камайтирилиши натижасида 900 мингдан зиёд яширин иш ўринлари легаллаштирилган.

Депутатлар бу йўналишлардаги ишлар Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига уйғун эканини таъкидлашди.

Фракция аъзолари Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил якунлари бўйича Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қўллаб-қувватлаган ҳолда, бу йилги бюджет ижроси юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Ҳисоботда ижтимоий харажатларга ажратилган маблағларнинг фанга ажратилган қисмидан 10,3 млрд. сўм, нафақа, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари учун ажратилган маблағлардан 22,7 млрд. сўми, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, умум фойдаланадиган автомобиль йўлларини ривожлантириш ҳамда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш учун ажратилган маблағларнинг 150,6 млрд. сўми ишлатилмасдан қолган.

Депутатлар ижтимоий соҳага ажратилган айрим бюджет маблағларининг ишлатилмай қолиб кетаётгани билан бу каби ҳолатлар ҳақида қаттиқ танқидий фикрлар билдиришди. Айниқса, моддий ёрдам ва компенсация тўловларига мўлжалланган маблағлар ишлатилмай қолиб кетиши эҳтиёжманд фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича тизимли камчиликлар борлигини кўрсатади.



Умуман, Давлат бюджети ижросида кузатилиб келинаётган хатолар ва сусткашликлар йиллар давомида ҳал этилмаётгани, аввалги йиллардаги муаммолар ечимига етарлича эътибор қаратилмаётгани танқид остига олинди.

Ўтган йили мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси 42,2 млрд. АҚШ долларига етиб, ушбу натижа энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилди. Лекин, шу билан бирга, ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми импорт ҳажмига нисбатан кам улушни ташкил қилиши давом этмоқда. Экспорт таркибида юқори қийматга эга тайёр маҳсулотларга нисбаттан хом-ашё маҳсулотларининг улуши юқорилигича қолмоқда.

Бу тафовутларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар амалга оширилиши муҳим.

Ҳисоботда 8 мингдан ортиқ бюджет ташкилотининг 6,5 мингдан ортиғида 142 млрд. 592 млн. сўмлик молиявий хатоликлар, камомад, ўзлаштириш ҳамда ноқонуний харажатлар аниқлангани келтирилган. Бундай камчиликларни имкон қадар камайтириш учун назорат механизмини такомиллаштириш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда фракция аъзолари келгусида Давлат бюджетида режалаштирилган маблағларнинг тушуми ҳамда уларнинг самарали ишлатилиши юзасидан депутатлик, парламент назоратини янада кучайтириш зарурати ошиб бораётгани, бюджет ижросидаги сусткашлик ва масъулиятсизликлардан асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли азият чекиши қайд этилди.



Давлат бюджети ижросини таъминлашда парламентдаги муҳокамалар билан бирга, жойларда, тармоқларда бевосита, тезкор таҳлиллар ўтказиш, шу орқали қонунчиликнинг таъсирчанлигини ошириш талаб этилади.

Йиғилишдаги муҳокама ва таклиф-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, Халқ демократик партияси фракцияси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилдаги ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қилди.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати.**

## ОНАЛАРНИНГ МЕҲНАТ СТАЖИДАН КЕСИШ ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?



3

## ФУҚАРОЛАР ЎЗ ШИКОЯТИГА НЕГА ҚОНИҚАРЛИ ЖАВОБ ОЛОЛМАЯПТИ?



4

## ХАЛҚАРО ТУРИЗМ

### рivожланишида олий таълим муассасаларининг интеграциялашуви муҳим аҳамиятга эга



7

# «БИРОНТА ХОНАДОН, БИРОНТА ОДАМ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ»

Халқимизнинг меҳр-оқибати, куч-қудрати қандай жўш урганини кўрмоқчи, билмоқчи бўлсангиз, бугун Сирдарё вилоятига боринг



4-5

## КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

МАНБА: ПФ-5996-сон, 18.05.2020 й.   @huquqiyaxborot

**КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚУЙИДАГИЧА ҚЎШИМЧА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ:**

Президентнинг ПФ-5969-сон ва ПФ-5978-сон фармонларига асосан фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган, 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланиши лозим бўлган **мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммалари ҳисобдан чиқарилади**

2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган **пеня ва жарималар суммалари ҳисобдан чиқарилади**

**+10%**

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва **моддий ёрдам олувчилар сони** 2020 йил 1 июндан бошлаб қўшимча **10 фоизга оширилади**

**2020 ЙИЛНИНГ 1 ИЮНИДАН 1 СЕНТЯБРИГАЧА**

МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ВА ЕР СОЛИҒИ ТЎЛАШДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИ:

- кичик тадбиркорлик субъектлари
- бозорлар ва савдо комплекслари
- кинотеатрлар
- умумий овқатланиш жойлари
- жамоат транспорти корхоналари
- спорт-соғломлаштириш муассасалари
- йўловчи ташиш, маиший хизмат кўрсатиш, биноларни, шу жумладан банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар

**2020 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРГАЧА:**

Микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, **пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар** бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундириш тўхтатилади

**Бунда,** уларга 2020 йил 15 май ҳолатига солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ижро этилмаган тўлов топшириқномаларини қайтариб олиш ҳуқуқи берилди

**2020 ЙИЛНИНГ 1 МАЙИДАН 1 ИЮЛИГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА**

**12% → 1%**

Микрофирма ва кичик корхоналарга ижтимоий солиқ ставкаси **12 фоиздан 1 фоизгача камайтирилади**

**Қуйидагилар бундан мустасно:**
Акцизости товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар.

*Масалан, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари 10 дан ортиқ вазирлик ва идоралар ваколатига киритилган.*

МУАММО ВА ТАКЛИФ

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – КЎЛАМДОР ФАОЛИЯТ

## Бу йўналишда бошқарувни такомиллаштириш зарурати юзага келган



**Улуғбек ВАФОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП раиси ўринбосари**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазифалари изчил ҳал этилмоқда.

Ҳозиргача аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишларига оид Президентимизнинг ижтимоий ёрдам масалалари бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган 40 дан зиёд фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Юртбошимизнинг тегишли ҳужжатлари асосида ногиронлар жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолининг меҳнат бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида кам таъминланган аҳоли қатламларига арзон турар жойлар қуриш орқали уларнинг яшаш шароитларини яхшилашга доир дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Айниқса, жорий йилда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида жорий йилда ижтимоий сиёсатнинг янги устувор йўналишлари белгилаб берилган. Уларнинг ажралиб турадиган хусусияти – бу мамлакатда тегишли вазифаларни БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда ҳал этишдир.

Давлат дастурида жорий йилда ижтимоий ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўлган Камбағалликни қисқартириш Дастурини ишлаб чиқиш билан бирга, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Концепциясини яратиш ва қабул қилиш вазифаси ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари ушбу устувор вазифаларга мос келади. Ушбу масалаларда партиянинг сиёсий позицияси мамлакат тараққиётининг янги босқичида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини изчил оширишга кўмаклашишдир.

Ўзбекистон ХДПнинг дастурий устувор вазифаларини амалга ошириш мақсадида партиянинг парламент фракцияси томонидан тегишли эксперт гуруҳлари ташкил этилди. Жумладан, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Концепцияси лойиҳасига таклифлар тайёрлаш бўйича ҳам ана шундай гуруҳ ташкил этилди.

> Айни дамда юқорида санаб ўтилган давлат органларининг ҳеч бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи вазифаларни бажармайди.

Ишчи гуруҳи томонидан меъёрий-ҳуқуқий базани жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, аҳолининг эҳтиёжманд гуруҳларини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилувчи муаммолардан бири – ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солувчи ва бу борада тегишли мувофиқлаштириш ваколатларига эга бўлган ягона органнинг мавжуд эмаслигидир.

Масалан, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари 10 дан ортиқ вазирлик ва идоралар ваколатига киритилган. Аниқроғи: ногиронликни белгилаш ва ногиронларни тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатига, ногиронларни ишга жойлаштириш – Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, махсус мактаб-интернатлар фаолиятини ташкиллаштириш – Халқ таълими вазирлиги, ногиронларнинг транспорт хизматларидан фойдаланиши Транспорт вазирлиги ваколатига киради. Кам таъминланган оилалар, пенсионерлар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Айни дамда юқорида санаб ўтилган давлат органларининг ҳеч бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи вазифаларни бажармайди.




Айни дамда Америка, Европа, МДҲнинг аксарият давлатларида эҳтиёжманд аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича турли давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатига катта эътибор қаратилади.

Масалан, АҚШда тегишли мувофиқлаштириш вазифалари Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар вазирлигига, Буюк Британияда Меҳнат ва пенсиялар вазирлигига, Францияда – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлигига, Швецияда Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш вазирлигига юклатилган. Шунингдек, Германияда Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Федерал вазирлиги, Италияда Меҳнат ва ижтимоий сиёсат вазирлиги, Россия, Беларусия, Қозоғистонда Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирликлари ҳам худди шу вазифалар билан шуғулланади.

Халқ демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ушбу йўналишдаги ўз ишини давом эттиради ва бу соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар киритишни режалаштирмоқда.

**Хорижнинг ижобий тажрибаси бўйича юқорида келтирилган мисолларни ҳисобга олганда, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигини Бандлик, меҳнат муносабатлари ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги сифатида ёки Соғлиқни сақлаш вазирлигини Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий сиёсат вазирлиги сифатида қайтадан ташкиллаштириш мумкин.** Вазирликка эҳтиёжманд аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасидаги мувофиқлаштириш ваколатларини бериш орқали долзарб масала ижобий ҳал этилиши мумкин.

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномасида билдирилган Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Концепциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва самарали тизим яратиш тўғрисидаги кўрсатмалари бу масалани чуқур муҳокама қилиб, фикр ва таклифлар асосида самарали ечимга келинишини тақозо этади.

МУНОСАБАТ

*Адабиёт ҳар бир халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини боғловчи қудратга эга муҳим воситадир. Унда ҳар бир миллатнинг маданияти, урф–одати, дунёқараши, маънавияти акс этади. Демак, адабиёт яшаса миллат яшайди, унинг шаъни улуғланади, қадриятлари қадр топади.*

# АДИБЛАР ХИЁБОНИ

## нафис мажлислар, маърифат, маънавият марказидир

Шу боис мамлакатимизда адабиёт ва санъатга алоҳида ҳурмат билан ёндашилади. Уни ривожлантириш йўлида ислоҳотлар тизимли равишда олиб борилмоқда. Бундан уч йил олдин ана шундай мақсадларга хизмат қилувчи яна бир йирик лойиҳага қўл урилган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Адиблар хиёбони ташкил этиш бўйича қарори қабул қилинди. Қарорга кўра хиёбоннинг меъморий-ғоявий лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мажмуавий тарзда олиб борилган бунёдкорлик ишлари натижасида пойтахтимиз марказидаги Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбли яратилди. Бу тарихий воқелик адабиётимизни яна бир поғона юксакка кўтариши билан аҳамиятлидир.

Президент мазкур масканнинг очилиш маросимида Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш зарур эканини таъкидлади. Ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очиқ дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берилди.




Айтиш мумкинки, хиёбон маънавий жиҳатдан кенг қамровли бўлиб, у катта мақсадлар йўлида хизмат қилади.

Сир эмаски, бугун биз мураккаб, таҳликали бир замонда яшамоқдамиз. Бундай даврда одамлар дунёқарашини бойитиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантириш учун адабиётдан кенг фойдаланиш лозим. Унинг таъсири натижасида, айниқса, фарзандларимиз онгини турли таҳдидлар, ёт ғоялардан сақлашга эришамиз. Демак, мактабларда маҳорат дарслари, танловлар, ноанъанавий ўқитиш услубларидан самарали фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнида болага нафақат билим, балки эстетик завқ бағишлаб, дарсга, фанга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилувчи янгиликлар жорий этиш керак.

Айни пайтда биз бутун инсоният бошига тушган пандемияга қарши курашиш, иқтисодий қийинчиликларни енгишимиз талаб этилади. Бироқ бу мамлакатимизда бошқа соҳалар назардан четда қолади, дегани эмас. Айниқса, таълим-тарбия соҳасида янада катта масъулиятли вазифалар мавжуд. Зотан, илм бу маърифат, маънавият, бу инсоннинг ҳаёт-мамоти билан боғлиқ бўлган жараёндир. Ҳозирги мураккаб вазиятда Адиблар хиёбонининг очилиши ҳамда у ерда яратилган юксак маънавий мерос объектлари халқимизнинг руҳиятини кўтаришга, ёшларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Шу ўринда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларини ривожлантириш агентлиги тизимидаги таълим даргоҳларида юртимиздаги малакали кадрлар ҳамда хорижлик мутахассислар болаларга интерактив тарзда чуқурлаштирилган билим беришмоқда. Янги барпо этилган хиёбон эса истеъдодли, ижодкор ўқувчиларимиз учун ҳам катта совға бўлди.

Ҳазрат Навоий бобомизнинг муҳташам ҳайкали атрофида 20 дан зиёд атоқли шоир ва адибларнинг ҳайкаллари яхлит меъморий ва бадиий композицияда, мантиқий ечим асосида жойлаштирилди. Шу ерда Ёзувчилар уюшмаси учун бино барпо этилганида ҳам катта маъно-мақсад мужассам.

Бугунги ёшлар интернетдан, электрон адабиётлардан кўпроқ фойдаланиши инобатга олсак, миллий адабиётимиз хазинасини интернетда тарғиб этиш энг самарали усул ҳисобланади. Замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда адабий порталлар яратиш ҳам муҳим вазифалардан саналади. Унда мумтоз ва замонавий асарларнинг электрон нусхалари, ёзувчи ва адабиётшуносларнинг маҳорат сабоқлари жамланади. Портал ўзбек, инглиз ва рус тилларида фаолият кўрсатса, ундан хорижлик мухлис ва мутахассислар ҳам фойдаланиши имконияти яратилади.

Ҳозир вазият қандай бўлишидан қатъи назар, эртага албатта у ўз ечимини топади. Шундай экан, биз аввалгидан ҳам катта куч ва ғайрат билан изланишда давом этамиз. Юксакликка эришиш учун тинимсиз ўқиш, ўқитиш, катта меҳнат ва албатта сабр талаб этилади. Зеро, бугун биз фарзандларимизга тўғри ва муносиб таълим-тарбия бериш орқали ўзимизнинг келажагимизга инвестиция ҳозирлаймиз.

**Сарвар БАБАХОДЖАЕВ,**
**Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларини ривожлантириш агентлиги раҳбари.**

МУРОЖААТНОМАДА ТАЪКИДЛАНГАН ЭДИ

# ДЕПУТАТЛАР ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАМОҚДА



**Ўрол ЎРОЗБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси**

Президентимиз парламентга йўллаган Мурожаатномасида депутатлар жойлардаги Халқ қабулхоналарига тушаётган мурожаатларни ўрганиб, ҳал этишга алоҳида эътибор бериши муҳимлигини таъкидланган эди.

Ҳақиқатан ҳам депутатларимиз амалда сайловчилар мурожаатлари билан доимий шуғулланиши, ўз ҳудудида яшаётган аҳолининг муаммоларига ечим топишда фаол иштирок этиши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши керак. Шунда депутат халққа берган ваъдаси устидан чиқади, аҳоли ишончини оқлайди, меҳрини қозонади.

Халқ демократик партияси депутатлари ҳам сайловчилар томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада аниқ дастур ва “йўл харита”ларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни мутасадди идоралар билан ҳамжиҳатликда муҳокама этишда жойларда фаолият кўрсатаётган Халқ қабулхоналари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйган.

Шу йилнинг 5 март куни Президентимизнинг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонаси билан ЎзХДП вилоят кенгаши ўртасида ҳамкорликка оид келишув имзоланди. Шунингдек, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари билан биргаликда давлатимиз раҳбарининг вилоятдаги Халқ қабулхоналарида жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш ва уларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича ўз фаолиятлари юзасидан “йўл харитаси”ни тасдиқлаб олишди.

Жорий йилнинг 16 мартидан 18 майигача бевосита Халқ қабулхоналарига карантин билан боғлиқ 639 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 36 таси озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти билан боғлиқ бўлиб, ҳомийлик ёрдами марказларига ижро учун тақдим этилди. Ўша кунлари мурожаатларнинг 299 таси (88,9 фоизи) ҳамкорликда ҳал этилди. Қолган 37 та шу каби мурожаатларнинг ҳал этилиши назоратга олинган ва ижросини таъминлаш устидан иш олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, карантин давригача ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан келиб тушган 1073 та мурожаатнинг бевосита озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ 624 таси ҳомийлик ёрдами марказларига тақдим этилиб, барчаси ижобий ҳал этилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Халқ қабулхоналарининг ҳудуддаги давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Масалан, Ғаллаорол тумани Халқ қабулхонаси ташаббуси билан пандемия даврида оғир аҳволга тушиб қолган кам таъминланган, ногиронлиги бор фуқароларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, коммунал тўловларида бўлган қарздорлигини қоплаб бериш мақсадида ҳомийлар ҳисобидан “Саховат ва кўмак” умумхалқ хайрия жамғармасининг Агробанк Ғаллаорол туман филиалидаги ҳисоб рақамига 2,5 млн. сўм пул маблағи ўтказиб берилган.

Арнасой тумани Чўлқувар ҚФЙда яшовчи фуқаро Латофат Равшанова карантин туфайли озиқ-овқат ва ун маҳсулотлари билан таъминлашда амалий ёрдам беришни сўраган. Ушбу мурожаат асосида унинг хонадонига озиқ-овқат ва ун маҳсулотлари етказиб берилди. Ш.Рашидов тумани Катта қишлоқ маҳалласида яшовчи фуқаро О.Тиркашев ҳам мурожаат қилиб, оиласида карантин туфайли хеч ким ишламаётгани, оила даромади йўқлиги боис озиқ-овқат маҳсулотларига катта эҳтиёж пайдо бўлгани учун ёрдам сўраган. Фуқаронинг хонадонига зудлик билан озиқ-овқат маҳсулотлари етказилиши таъминланди. Жиззах шаҳар Сайилжой МФЙ Бўстон кўчаси 5 ётоқхонада яшовчи У.Каримова карантин туфайли оилавий шароити оғирлашиб қолгани, озиқ-овқат ва моддий ёрдам кўрсатилишини сўраган. Мурожаат тегишли ташкилотлар билан биргаликда ўрганиб чиқилиб, фуқаронинг хонадонига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди ҳамда 2020 йил 1 майдан моддий ёрдам пули бериш белгиланди.



Фориш тумани Қораобдол ота МФЙда яшовчи А.Ҳимматов мурожаатида маҳалла аҳолисига ун маҳсулоти етказиб берилишида амалий ёрдам сўралган. Мурожаат туман ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда ўрганилиб, якка тартибдаги тадбиркор Г.Исмоилова томонидан қишлоқ аҳолисига 17 тонна ун етказилди.

Халқ қабулхоналарининг маълумотлари асосида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати кўрсатаётган ёрдам доирасида Зарбдор туманидаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 81 нафар фуқаронинг электр энергияси ва табиий газдан бўлган қарздорлигини қоплаш учун 13 млн.300 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами уларнинг абонент рақамларига ўтказиб берилган.

Карантин даврида озиқ-овқат, дори-дармонга муҳтож, ўта оғир аҳволга тушиб қолган фуқаролар (оилалар) билан боғлиқ мурожаатлар Карантин даврида хайрия ишларини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Комиссиясига ҳолатнинг ҳаққонийлигини ўрганиш ва белгиланган тартибда ёрдам кўрсатиш учун тақдим этиб борилмоқда. Бундан ташқари, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Халқ қабулхонаси маълумотномалари асосида (мурожаатлар, сайёр қабуллар, уйма-уй юриш ва ҳ.к) ҳудуддаги энг ночор, ижтимоий аҳволи ўта оғир фуқаролар (оилалар) рўйхати ушбу Комиссияга тақдим этилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг 11 май ҳолатига кўра, вилоят бўйича жами 21418 та оилага ёрдам кўрсатилди. Ушбу оилаларга 46237 кг ёғ, 105875 кг ун, 39514 кг шакар, 45017 кг макарон, 4189 кг мол гўшти, 3941 кг товуқ гўшти, 69785 кг картошка, 32914 кг пиёз, 45050 кг гуруч тарқатилди.

Халқ қабулхоналари билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгаш депутатларининг ҳамкорлик фаолияти давом эттирилмоқда. Мақсадимиз, ҳозирги шароитда даромадини йўқотган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлашдан иборат.

МУАММО ВА ЕЧИМ



**Мақсуда ВОРИСОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси**

# ОНАЛАРНИНГ МЕҲНАТ СТАЖИДАН КЕСИШ ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 37 — моддаси "ж" бандига мувофиқ, бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йилдир.

Масалан, агар ишловчи аёллар 30 йиллик иш стажига эга бўлса, шунинг ичида умумий ҳисобда уч нафар бола парвариши учун 8 йил таътилга чиққан бўлса, унга пенсия тайинлаш учун иш стажи жами 25 йил деб белгиланади. (30 йил – 8 йил + 3 йил = 25 йил).

Бола парвариши таътилида бўлган давр (шу жумладан, ҳақ тўланган давр) имтиёзли ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берувчи махсус иш стажига киритилмайди.

**Менинг фикримча, ана шу қонунни бола туғиш ва уни парваришлаш ҳақида умуман тушунчаси бўлмаган эркаклар тузган ва қабул қилган.** Акс ҳолда, фарзандни дунёга келтириш, уни гўдаклигида тарбиялаш қанчалар оғир меҳнат эканлигини билар эдилар ва ноҳақликка йўл қўйилмаган бўлар эди.

Эътибор беринг, нафақат бола парвариши муддати, балки аёлга туғиш ва ундан кейинги таътил, (жами 126 кун) халқ тилида "декрет таътили" дейилади, иш стажига киритилмайди.

Жамият ривожланиши, тараққий топиши учун унга доимий равишда билимли, соғлом, дунёқараши кенг ёш авлод келиб қўшилиши шарт. **Бу масъулиятли вазифани аёллар ўз зиммаларига олганлар. Лекин бугунги кунда биз уларни бу фидокорликлари учун жазоламаяпмизми?**

Бир корхонага бир кунда ишга келган эркак ва аёл учун иш фаолияти якунида узлуксиз меҳнат стажи икки хил натижа бермоқда ва бу албатта пенсия миқдорида ўз аксини топади.

Амалдаги қонун ўз ҳаётида нари борса бир нафар фарзанд кўрадиган мамлакатлардаги аёлларнинг ҳуқуқларига мос келар, лекин бизнинг болажон халқимиз ўрта ҳисобда икки ёки уч нафар фарзандли оилани хоҳлайди. Демак, **ҳар бир ишловчи аёл меҳнат стажидан ўртача 5 йил ютқазаяпти. Бу аёл ҳуқуқларининг камситилиши, ҳаққига хиёнат эмасми?**

Халқ демократик партияси ўз Сайловолди дастурида ана шу ноҳақликка чек қўйишни, бунинг учун туғуруқ ва бола парвариши даврини тўлиқ меҳнат стажи, деб ҳисоблаш ҳақида қонунчиликка ўзгартириш киритишни таклиф этган.

Ўйлайманки, бу таклиф фаол қўллаб-қувватланса, мамлакатимизда аёллар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, оналар ҳурматини жойига қўйиш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлади.



## ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ:

# ЭЗГУ ҲАРАКАТ ЙЎЛИДА БИРЛАШАМИЗ!

Халқимиз қанчадан-қанча оғир заҳматларни, қийинчиликларни бошидан кечирган. Урушлар, қаҳатчилик, мустамлакачилик... Лекин синовларга саботли, сабрли бўлгани учун у кунларни енгиб ўтган. Бугун мамлакатимиз ҳам бошқа давлатлар қаторида аҳоли ҳаётига таҳдид солаётган коронавирус балоси билан юзма-юз келди. Бутун дунё халқларини қаттиқ саросимага солиб, жаҳоннинг манаман, деган мамлакатларини ҳам ожиз қолдираётган коронавирус пандемияси ҳар биримиздан ҳушёр ва янада сергак бўлишни талаб этмоқда. Оғир синовларга қарши сабр-бардош, матонат билан курашаётганимизга ҳам икки ойдан ошди. Аслида коронавирус пандемиясидан қутулиш ҳеч қайси давлатда осон кечаётгани йўқ. Давлатимиз коронавирус пандемиясига қарши курашиш, унинг талафотларини камайтириш борасида қатъий чоралар кўрди. Хусусан, ҳукуматимиз томонидан шу йилнинг 16-март кунидан эътиборан бутун мамлакатимиз бўйлаб карантин эълон қилинди. Пандемияни жиловлаш мақсадида барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Айни вақтгача бир қонун, бир нечта фармон ва қарорлар қабул қилинди. Кўрилган тўғри ва тезкор тадбирлар натижасида қийинчиликлар босқичма-босқич ортда қоляпти.

Карантин шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида муҳим вазифалар белгиланди. Айниқса, ёрдамга муҳтож, якка-ёлғиз, ишсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга эътиборни кучайтириш асосий масала сифатида қўйилди. Оғир турмуш шароитидаги ҳамда карантин даврида вақтинчалик даромад манбаини йўқотган оилалар учун қатор хайрия тадбирлари ташкил этилди.

Халқ демократик партияси ҳам бу эзгу саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этиб келмоқда. COVID-19 вируси кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида партия тизимида 3 та, яъни тарғибот-тушунтириш, муҳтожларга ёрдам тадбирлари, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда фикр-муносабатлар билдириб бориш йўналишларида ишлар ташкил этилди.

Партия ташкилотлари томонидан вирусни юқтириб олмаслик, ундан ҳимояланиш бўйича кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилди. Карантин шароитида имкон қадар уйда қолиш, фақат зарурат туфайлигина кўчага чиқиш, жамоа тўпланадиган турли тадбир, маросимларни уюштирмаслик, санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш бўйича тарғиботлар ўтказилди.

Карантин қоидаларига риоя қилиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида партия ходимлари ва депутатларидан иборат "Партия кўнгиллилари жамоалари" ташкил этилди. Ушбу жамоага партия кенгашлари масъул ходимларидан 214, маҳаллий Кенгашлар депутатларидан 1600 нафари жалб этилди.

Кўнгиллилар гуруҳи томонидан бугунгача 7000 та маҳаллада тушунтириш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, партия фаоллари, депутатлар аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича ҳам амалий чоралар кўрилди. Хусусан, 350 минг хонадонга кириб, томорқасига полиз маҳсулотларини экиш масаласида кўмаклашилди.

Биз меҳр-оқибатли халқмиз. Бу инсоний фазилатлар, айниқса, киши бошига оғир кунлар тушганда янада яққол намоён бўлади. Саховат ва кўмак, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш қон-қонимизга сингиб кетган. Бугунги синовли кунларда ушбу олижаноб фазилатлар ҳар бир юртдошимизнинг қалбида янада кучлироқ жўш урди.

Кўнгиллилар гуруҳи аъзоларидан бири Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ХДП гуруҳи аъзоси, депутат Фаррух Бекмирзаев Қоровулбозор ҳамда Когон туманидаги 1000 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилани ўз оталиғига олган. Ушбу оилаларнинг меҳнатга қобилиятли бўлган аъзоларини иш билан банд қилмоқда. Меҳнат қилиш имконияти чекланганларининг эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиб, хайрия ишларида фаоллик кўрсатмоқда. Бугунги кунгача ушбу оилаларга 12 турдаги 400 миллиондан ортиқ озиқ-овқат, дори-дармонлар саховат қилинган.

Маълумки, карантин чекловларини жорий этилиши муносабати билан кўплаб ҳаётий масалалар, айниқса, аҳолини озиқ-овқат, дори-дармон, тиббий ниқоб ва бошқа воситалар билан узлуксиз таъминлаш каби муҳим масалаларни зудлик билан ҳал этиш зарурати юзага келди. Нарх-наво барқарорлигини сақлаш устидан назорат кучайтирилди.

Ушбу тадбирлар сирасига "Меҳр улашинг" шиори остида ўтказилаётган акциялар ҳам киради. Бу орқали Халқ демократик партияси ташаббуси билан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан хабар олинмоқда.

Партия ташкилотлари, депутатлар ташаббуси билан жорий йилнинг 26 май кунига қадар ўтказилган хайрия тадбирларида 75180 га нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли, карантин сабаб даромад манбаидан ажралган, ишсиз, боқувчисини йўқотганларга 45 млрд. 400 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари хайрия қилинди. 350 минг нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳомийларнинг 12 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, гигиеник воситалар тарқатилди. Томорқадан унумли фойдаланиш мақсадида аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга сабзавот кўчатлари ҳам етказилди.

— Мана шундай қийин кунларда партия ташкилотларимиз ва партия гуруҳларимиз иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган оилаларга ўзларининг ёрдам қўлларини чўзишмоқда, — деди **Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Халилла Эшимбетов.** — Ўтган давр мобайнида партия ташкилотларимиз томонидан юздан ортиқ оилага 12 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Бундан ташқари, депутатларимиз ўзлари сайланган ҳудуддаги камбағал оилаларни турмуш тарзидан доимо хабардор бўлиб турибди. Уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга ҳам кўмак берилмоқда. Хусусан, 10-12 сотих томорқалари қаровсиз ётган ерларни экинга тайёрлаб, кўчат ўтказишга ёрдам берилди. Партия ташкилотлари ва депутатлар ўз ташаббуси билан 106 камбағал оилани бир ой мобайнида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уларга кўмак беришни зиммаларига олишди.

— Партия оғир дамларимизда кўмак бермоқда, — дейди **Беруний тумани "Қизилқалъа" овул фуқаролар йиғини Кесиктау қўрғонида яшовчи Маткаримов Хужаахмад.** — Оилада саккиз жонмиз. Фарзандим туман марказида кунлик ишларда ишлаб, топганини бола-чақасига едириб келади. Карантин сабаб, ишламай қолди. Оиламиз кун кечириши учун келадиган даромад бутунлай тўхтади. Ўғлим икки ойдан буён уйда ўтиради. Мен нафақадаман, аёлим биринчи гуруҳ ногирони, тақдирда кўзи ожизлик бор экан. Шифокорлар Тошкентга бориб даволатсангиз, кўзига гавҳар қўяди, дейишди қани энди, имконим бўлса... Яқинда партия фаоллари уйимизга келиб, аҳволимиз билан танишиб кетди. Ҳар доимгидек, келиб-кетадиганлар бўлса керак, деб муаммоларимизни айтдиму, ишонч билдирмадим. Эртасига ўғлимни чақиртиришди. У "Нурислам-Арина" фермер хўжалигига ишга жойлашганидан хурсанд бўлиб уйга келди. Шу кундан бошлаб Жўқорғи Кенгес депутати Сайёра Имамова оиламизни ўз ҳомийлигига олганини айтди. У ҳар ҳафта кунлик истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари олиб бераяпти. Биласизми, оғир дамда ёрдам қўлини узатган инсон кам бўлмайди. Ёрдам берган инсонларни дастурхон атрофида дуо қилишдан чарчамайман. Бирига минг берсин..

– Ногиронлик аравачаси олишга қурбимиз етмасди, – дейди**Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 10-мавзе, 9-уй, 3-хонадонда истиқомат қилаётган Моҳира Юсупова.** — Сўнгги 2 йил ичида ўнга яқин ташкилотлар хонадонимизга келиб, муаммоимизни ўрганиб кетишган. Бироқ натижа бўлмагани учун умидимни узиб қўйгандим. 3 ой олдин бир ташкилот мутасаддилари келиб, 10 кун ичида муаммони ҳал қилиб беришини, бунинг учун Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тасарруфидаги тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг тиббий хулосасини олишим зарурлигини айтишганида кўнглим тоғдек кўтарилиб, қувонган эдим. Аммо қувончим узоққа чўзилмади. Фарзандларим кўмагида бир амаллаб, хулосани олишга олдим-ку, навбатим келиши учун яна бир неча ой кутишим кераклигини билганимдан сўнг, ҳафсалам пир бўлди.

Яқинда депутатларнинг уйма-уй юрганлигини эшитиб, арзимни айтгандим. Булар ҳам номигагина ўрганиб кетишди, деб ўйлаган эдим. Аммо куннинг иккинчи ярмида депутат томонидан ногиронлик аравачаси олиб келиб берилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сафар Остонов кўмаги билан аравачали бўлдим.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан бошланган Саховат ва кўмак умумхалқ ҳаракати халқимизнинг тантилиги намунаси, десак муболаға бўлмайди. Унда фаол иштирок этиш, имконият даражасида эзгу ишларга ҳисса қўшиш мақсадида Халқ демократик партияси алоҳида чора-тадбирлар белгилаб олди. Унга кўра, жорий йилнинг 22 апрелидан бошлаб партия ташкилотлари, Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда барча даражадаги депутатлар иштирокида Саховат ва кўмак хайрия акциясини ўтказиш вазифаси белгиланган.

Мазкур хайрия акциясини учта йўналишда амалга ошириш белгиланди. Депутатлар, партия фаолларининг имкониятларга қараб, камида битта жуда эҳтиёжманд оилани ҳомийликка олиш ташаббуси қўллаб-қувватланди. Бунинг натижасида республика бўйича қарийб 2 мингдан ортиқ оғир аҳволга тушиб қолган оила қисқа муддатда ҳимояга олинди.

— Оиламизда ўн бир нафармиз, — дейди **Шуманай тумани «Тазабазар» маҳалласидан Карамитдин Бегмуратов.** — Кунлик ва мавсумий ишлар орқасидан кун кечирар эдик. Карантин вақтида иш йўқ, кундалик эҳтиёжларимизни таъминлаш учун пул керак. Жуда тушкунликка тушиб қолгандик. Давлатимиз бизни эътиборсиз қолдирмади. Қолаверса, депутатлар кўмагида оиламизга ҳар ҳафта озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиняпти. Биз сайлаган туман кенгаши депутати Онгар Реймов оиламизни оталиғига олган. Озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари, икки сотихли томорқамизга помидор, бодринг, пиёз кўчатларини олиб келиб, экиш жараёнида бошида турди. Бундай саховатпеша депутатларимиздан мамнунмиз. Мана шундай оғир кунларда халқ корига яраган саховатпешаларнинг ишлари илгари бўлаверсин.

— Бизнинг оилага ҳам партия кўмагида саховат кўрсатилди, — дейди **Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Эскибоғ қишлоғида яшовчи фуқаро Шаҳноза Бўриева.** — Оилада 13 киши яшаймиз. Мен ва турмуш ўртоғим оддий ишда ишлаймиз. Топганимиз қозон қайнатишдан нарига ўтмайди. Охирги пайтда ҳеч қаердан даромад келмаганидан оиламиз қийналиб қолган эди. Шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистон ХДП Ғузор тумани фаоллари ва партиядан сайланган депутатлар маҳалламизда эҳтиёжманд оилаларни ўрганиб, оиламизни ҳам рўйхатга киритишди. Ўшандан буён партия депутатлари бизга озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон етказиб турибди. Депутатимиз Отабек Исматов ўз ҳисобидан оиламизга 4 бош қўй олиб берди. Қаранг, агар бир сўмлаб йиғсак, шу қўйларни бир йилда олардик. Энди уларни кўпайтириб, чорвачиликни йўлга қўймоқчимиз. Мен бир она сифатида партия фаоллари ва депутатларига ўз миннатдорлигимни билдираман.

— Инсон кексайганда кўмакка муҳтож бўлиб қоларкан, — дейди **Фарғона вилояти Бешариқ тумани, Қияли маҳалласи, Шода қозиқ қишлоғидан Отажон Умаров.** — Қисматимда ёлғизлик бор экан. Ишлаб овунай десам, кучим, соғлиғим кўтармайди. Аммо нолимайман, кўчада қолганим йўқ. Саховатпеша инсонлар бор экан, мен каби ёлғиз кексалар эътиборсиз қолмайди. Ҳар куни депутатларимиз, маҳалла-кўй хабар олиб туради. Соғлиғимни текшириб туради. Карантин вақтида ҳимматли инсонлар кўпайди. Яқинда депутатимиз Отажон Умаров, партия фаоллари билан ёнимга келди. Нима керак бўлса, тортинмай мурожаат қилишимни айтди. Менга ҳеч нарса керак эмас, меҳр керак, деб гурунг қилдик. Кунора, гоҳида телефон қилиб хабар олишади. Зарур озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиб беришяпти. Чексиз миннатдорлигимни билдираман. Муқаддас китобимизда айтилганидек, "Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир". Яхшилик қилган инсонлар доимо элда азиз бўлади.

Учинчи йўналишда тадбиркорлар, фермерлар ҳамда бошқа субъектларга саховат ва кўмак кўрсатганлик учун давлат томонидан имтиёз ва преференсиялар берилиши тушунтирилиши лозим. Шу асосида тадбиркорларнинг бу имтиёзлардан тўсиқсиз фойдаланишига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, "Саховат ва кўмак" жамғармаси бўлинмаларига тушган маблағларнинг манзилли, шаффоф сарфланиши, озиқ-овқат ва тиббий воситаларнинг эҳтиёжманд оилалар қўлига етиб бориши бўйича депутатлик назорати ўрнатилади. Жойларда аниқланган муаммоли ҳолатлар ҳақида тегишли халқ депутатлари Кенгашларига тезкор маълумотлар тақдим этилади.

Зеро, кўмакка муҳтож ҳар бир инсон давлатимиз, юртдошларимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва мададни ўз ҳаётида, турмушида чуқур ҳис этсин.

**Лазиза ШЕРОВА**









## АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Адлия органлари ва муассасалари фаолиятига рақамли технологиялар кенг жорий этилади ҳамда давлат хизматларини рақамлаштириш орқали **"виртуал адлия"** тизими ишга туширилади

2020–2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди

**Адлия вазирлиги амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини** мониторинг қилиш бўйича **ваколатли орган** этиб белгиланди

### АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ 2020 ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР

**10 та** — Вазирлик ва идораларнинг **камида 10 та** функцияларини нодавлат секторга ўтказиш бўйича таклиф киритади

**12%** — Электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини **12 фоизга етказилишини** таъминлайди

**15 та** — Аҳолига Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган **янги хизматлар** сони **15 тага оширилади**

**95%** — Нодавлат нотариат шаклига айлантирилган давлат нотариал идораларининг улуши **95 фоизга** етказилади

### "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази ташкил этилади:

Қуйидагилар негизида давлат муассасаси шаклидаги **"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази ташкил этилади:**

- "Адолат" ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси
- "Инсон ва қонун" газетаси таҳририяти ДУК
- "Ҳуқуқ ва бурч" ижтимоий-ҳуқуқий журнали

### 2020 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН БОШЛАБ

- хўжалик бошқаруви органлари ваколатига кирувчи масалалар ва корпоратив муносабатлар **қонуности ҳужжатларини қабул қилиш ёки маъмурий усуллар орқали тартибга солиниши тақиқланади**
- жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарлик белгиловчи ҳуқуқий **нормалар фақатгина қонунлар билан ўрнатилади**
- идоравий қонун ҳужжатларига жисмоний ва юридик шахслар учун **қўшимча тўлов ва йиғимларни** белгиловчи ҳуқуқий нормаларни киритишга йўл қўйилмайди
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга **ҳуқуқий нормалар** киритишга йўл қўйилмайди
- бу соҳадаги норматив ҳужжатлар вазирликда **мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан** ўтказилади ҳамда ижобий хулоса олингандан сўнг ҳисобга олинади ва кучга киради

### 2020 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН 2021 ЙИЛ 1 ЯНВАРГАЧА

- Идоравий қонун ҳужжатларини **қабул қилиш тўхтатилади**

**Ўзгартириш** ва **қўшимчалар киритиш** ҳамда **ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги**, шунингдек, **унификация қилишни назарда тутувчи** идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бундан мустасно

### НАМАНГАН ШАҲРИ ВА ҚАРШИ ТУМАНИДА

эксперимент тариқасида туман (шаҳар) адлия бўлимлари ҳузурида давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизматлар кўрсатиш марказлари ташкил этилади



МАНБА: "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент Фармони

@huquqiyaxborot

# ЗУҲРА АЯГА НУРАФШОН ШАҲРИДАН ЯНГИ УЙ БЕРИЛАДИ

**Тошкент вилоятида эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг уйларига бориб, ҳол-аҳвол сўраш ва оилавий шароитини ўрганиш анъанага айланган.**

Рамазон ҳайити айёми арафасида вилоятдаги барча шаҳар ва туманлардаги 88 сектор раҳбарлари, ҳомийлар ва тадбиркорлар ўз ҳудудидаги эҳтиёжманд оилаларнинг уйига бориб, совға-саломлар улашгани бунга ёрқин мисолдир.

Бу каби тадбирлар доирасида Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматов ҳам бир неча оилаларнинг хонадонида бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олди.

Вилоят раҳбари Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ўртаовул" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Ҳамдўстлик кўчаси 56-уйда истиқомат қилувчи Илёсовлар хонадонида бўлди. Уй бекаси Арабгул ая узоқ йиллардан буён оғир дард билан курашиб келади. Рустам Холматов аяга ҳайитлик улашар экан, мулоқот чоғида бу хонадонга келгусида ҳам зарур ёрдам кўрсатиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқ берди.

Зуҳра ая Дадаева Нурафшон шаҳрида фарзандлари билан ижарада яшаб келади. Улар яшаётган уйга вилоят ҳокимининг ташрифи бир олам қувонч олиб келди.

– Мана бугун вилоят ҳокимининг шахсан ўзи уйимизга келиб, биз билан суҳбатлашди, – деди Нурафшон шаҳрида яшовчи Зуҳра Дадаева. – Фарзандларим билан ижарада тураман. Вилоят ҳокими билан мулоқот чоғида уй-жойга муҳтожлигимни билдирдим. Аҳволимнинг оғирлиги ҳисобга олиниб, яқин кунларда бизга Нурафшон шаҳридан янги уй-жой ажратиладиган бўлди. Энди қувончимни бир тасаввур қилиб кўринг. Бундай катта кўмак учун ҳукуматимиз ва вилоят ҳокимлигидан беҳад миннатдорман.

Рустам Холматов Оққўрғон туманидаги Ҳамид Олимжон номли ва "Зарбдор" фуқаролар йиғинларида ҳам бўлиб, яна бир неча юртдошларимизни муборак байрам билан қутлади ва ўз совғаларини топширди.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Зарар етган уй-жойларни таъмирлаш, одамларни ўз уйларига қайтариш, инфратузилмани тиклашга керакли куч ва воситалар сафарбар этилган.*

ШУ КУННИНГ МАВЗУСИ







# «БИРОНТА ХОНАДОН, БИРОНТА

## Халқимизнинг меҳр-оқибати, куч-қудрати қандай жўш урганини

– Сирдарёга бориб, Сардоба сув омбори тошқинидан жабр кўрган аҳолининг кайфиятини ўрганасизлар, уларга кўрсатилаётган амалий моддий-маънавий кўмак кўламини акс эттирадиган таҳлилий мақола тайёрлайсизлар, – деди Бош муҳаррир.

20 май куни эрталаб соат 8.00 да фотомухбир Санжар Шотўлаганов билан Тошкент шаҳар чегарасидаги ЙҲХХ "Эркин" постида кўришадиган бўлдик. Бизни ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Холбек Жалолов кутиб олди.

– Куни кеча сув тошқини бўлган ҳудудларни айланиб, фалокатдан жабр кўрган аҳоли ҳолидан хабар олиб қайтдим, – деди бизни кутиб олган Холбек Жалолов. – Майли, юринглар, сизларни ўзим бориб улгурмаган маҳаллаларга олиб бора қолай.

У шундай дея бизни хизмат машинасига таклиф этди. Йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетдик.

– Бу машинани бизга партиямиз Марказий Кенгаши ажратган, иш кўп, уловсиз бирор ерга бориб бўлмайди,– деди у.

Вилоят кенгаши раиси ўринбосари Беҳзод Эшмирзаев ҳам бизга ҳамроҳ бўлди.

Сардоба сув омборида содир бўлган фавқулодда вазият туфайли Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 28 та маҳалладан 90 мингга яқин фуқаро зудлик билан хавфсиз ҳудудга эвакуация қилинган. Маълумотларга қараганда, тошқин зонасида қолиб кетган юзлаб одамлар қутқарилган, улардан 56 киши турли даражада тан жароҳати олган. 5 нафар фуқаро ҳалок бўлган, 1 нафари бедарак йўқолган.

– Мамлакатимизда 70 та сув омбори бор, улардан 54 таси қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш ва электр энергияси ишлаб чиқаришга хизмат қилади, – деди кенгаш раиси. – Сардоба сув омбори асосан Жиззах ва Сирдарё вилоятининг бир қатор туманларида қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришга мўжалланган. Техноген офат Сардоба сув омборидан оби-ҳаёт оладиган "Марказий тармоқ" каналининг 8,5 км., "Ўнг тармоқ" каналининг 4,5 км. ва "Чап тармоқ" каналининг 3 км. қисмига жиддий зарар етказган. Натижада Сирдарё вилоятининг учта туманидаги жами 26,3 км. хўжаликлараро каналлар, 192,5 км. мелиоратив тизимлар, сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг 554,9 км. суғориш ҳамда 701 км. коллектор-дренаж тармоғи, улардаги гидротехник иншоотлар, 5 та насос станцияси, 30 та вертикал дренаж қудуқ ва бошқа сув хўжалиги объектларига шикаст етган. Каналларнинг асосий қисмида тозалаш ва таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Талафот оқибатларини бартараф этишга қишлоқ хўжалиги тизимидаги барча ташкилотлар, вилоятлар бошқармалари мутахассислари, ишчи-хизматчилар жалб этилган. Объектда 460 дан зиёд техника, жумладан, 160 экскаватор ишлаяпти. Зудлик билан ана шу учта йирик канал ва ички каналлар, суғориш иншоотлари таъмирланмаса, суғориш мавсумига кеч қоламиз. Унда экинларнинг қолганини ҳам бой берамиз..

Тошқин кўлами анча кенг. Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида 2 минг 570 ҳовли, 76 кўп қаватли уй яроқсиз ҳолга келган. 1 минг 781 ҳовли, 52 кўп қаватли турар жой қисман зарарланган. 70 та ижтимоий объект, 20 минг гектарга яқин экин майдони, 828 километр йўл, электр, газ, ичимлик суви, алоқа тармоқларига зиён етган. Ҳозир тошқин талафотлари бартараф этилаяпти, уй-жойи бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолган аҳоли учун 3 та массивда 2 минг 640 квартирали 66 та 5 қаватли уй қурилиши режалаштирилган...

Маълумот учун: "Сардоба" сув омбори 2010-2017 йиллар мобайнида ҳукуматнинг 2010 йилдаги қарори асосида барпо этилган бўлиб, умумий сиғими 974 миллион метр кубни ташкил қилади. Тўғон узунлиги 28 км., майдони 6 минг 800 гектар.

Объект буюртмачиси "Сирдарё қурилиш инвест" ДУК. Бош пудратчи – "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар корхонаси. Бундан ташқари, ушбу объект қурилишида 10 дан зиёд ёрдамчи пудратчи ташкилотлар иштирок этган.

Гулистон шаҳридан Оқолтин тумани томонга йўл олдик. Тошқиндан талафот кўрган ҳудудга кириб бораркансиз, лойқа сув босган далалар, экин майдонлари, вайрона ҳолга келган қишлоқлар, маданий, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, корхона, ташкилотлар биноларини кўриб, юрагинг увишади. Ҳайрият, аҳолига, ишчи ва хизматчиларга зиён етмабди, деб шукр қиласан киши.

Экин майдонларининг ҳар ер-ҳар ерида, ҳар бирининг оғирлиги 1-1,5 тонна келадиган арматурали бетон ариқлар (лотоклар) сочилиб ётибди. Демак, тошқиннинг шиддати жуда кучли бўлган... 90 мингга яқин аҳолини Худонинг ўзи асраб қолибди! Агар Фавқулодда вазиятлар, ҳокимликлар масъуллари вақтида тезкор чора кўришмаганида, нима бўлишини тасаввур қилиш ҳам қўрқинчли. Айтишларича, қишлоқлардан бирида яшайдиган чол ва кампиргина вақтида қочиб чиқиб кетишолмабди...

Йўл бориб-бориб бир томонлама қатновга қисқарди, унинг иккинчи томонини эса қаторлашиб кетган, охир-адоғи йўқ улкан машиналар, техника воситалари эгаллаган. Ҳарбий хизматчиларнинг тартиб билан тизилган юзлаб палаткалари, вайрон бўлган жойларни лойқа ва бошқа чиқиндилардан тозалаётган беҳисоб аскарлар, электр, алоқа тармоқларини тиклаётган, бузилган йўлларни қайта созлаётган ишчилар... Бу манзара урушдан кейинги вайронгарчиликлар домида қолган қишлоқларни эслатди.

– Оқолтин ва Мирзаобод туманлари кесишувида жойлашган Учтом мавзесидан ўтиб Сардоба сув омборининг тошқин рўй берган томонига борамиз, – деди Холбек Жалолов. – Йўл-йўлакай талафот кўрган қишлоқлар аҳолиси билан суҳбатлашамиз...

Учтом қўрғони ҳудудидаги темир-бетон конструкцияли уйлар ўтган асрнинг 60-70 йилларида бу ерда ташкил этилган совхоз томонидан аҳоли учун қурилган. Тошқин пайтида асов сув уйларнинг томигача кўтарилган. Уйлар темир-бетон конструкцияли бўлгани учунгина унинг фақатгина деворлари омон қолган холос. Томини, ичидаги бор нарсасини сув олиб кетган.

– Мана бу жой қовун бозори эди, – дейди Холбек Жалолов айни пайтда турли қудратли техникалар эгаллаган каттагина ҳудудни кўрсатиб. – Бу ерга республика бўйича кўтара қовун сотиб олишга келишарди. Ҳозир ҳарбий техника ва ҳарбийлар жойлашган. Сал нарироқда Сурхондарё вилоятидан беғараз кўмакка етиб келган турли касбдаги кишиларнинг палаткалари жойлашган.

Зарар етган уй-жойларни таъмирлаш, одамларни ўз уйларига қайтариш, инфратузилмани тиклашга керакли куч ва воситалар сафарбар этилган. Бунинг учун Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий гвардия хизматчилари туну кун меҳнат қилаяпти. Умуман олганда, бу ҳам Худонинг бир синови, халқимиз жипслиги, ҳамжиҳатлиги, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибат синови. Кимнинг кимлиги ана шундай оғир дамларда билинади...

Сув тошқинидан жами 828 километр йўл зарар кўрган. Шунинг учун биринчи навбатда республика аҳамиятига молик асосий йўлларда ҳаракат тикланди. Сув ювиб кетган икки томонлама йўлнинг бир томони қайта таъмирланмоқда, тошқин олган кўприклар қайта тикланаяпти. Бу кўприклар илгари 50 тоннагача юк кўтаришга мўлжалланган бўлса, энди уларнинг ўрнини 100 тоннагача бўлган оғирликка чидамли, тўрт йўлакли кўприклар эгаллайди.

> Ҳоким ўринбосари гапираяпти-ю, фожиа комига тушиб, уй-жойи, ўлан тўшагидан мосуво бўлган, жўжабирдай боласи билан жовдираб қолган аҳолига олис Сурхондарёдан гўё яқин қариндошига, жон жигарига ёрдам беришга келган инсонларнинг бундай меҳр-мурувватини кўриб, кўнглим бўшашиб, кўзим ёшланди...

Учтом қўрғонида тошқин олиб кетган уйларни тиклаш ишлари ҳам қизғин олиб борилаяпти. Ҳарбийлар сув босган уй ва ҳудудларни лойқа ва чиқиндилардан тозалаяпти, қурувчилар хонадонларнинг томини ёпишяпти, электр усталари монтаж, газчилар ва бошқа-бошқа соҳалар ходимлари ўзларига бириктирилган ишларни сидқидилдан, масъулият билан бажаришмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу ерда ҳаёт қайнамоқда.

Тошқин асоратларини бартараф қилиб, аҳоли турар-жойларини тиклаш учун ёрдамга келган, Учтом қўрғонида жойлашган сурхондарёликлар штабига кираверишда режа-харита осиб қўйилган. Унда: "Оқолтин туман Шодлик МФЙ Учтом аҳоли пунктини тиклаш ва таъмирлаш штаби. Масъул: Сурхондарё вилоят ҳокимлиги" деган ёзувга кўзимиз тушди. Бу ерга Сурхондарё вилоятидан ёрдамга келган мингга яқин турли касбдаги қурувчи ва ишчилар ўзларининг 200 дан ортиқ турли техника воситалари кўмагида Учтом, Навбаҳор, Бобур аҳоли пунктларидаги 120 та бетон панелли турар жойларни қайтадан таъмирлаб, аҳолини уйларига кўчириб киритиш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

Кўчма вагончага жойлашган штабда Сурхондарё вилоят ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари Аҳмад Сувонқулов, ҳокимлик бўлим бошлиғи Абдухолиқ Каримов, вилоят ИИБ ЙҲХХ бошлиғининг биринчи ўринбосари Асқаржон Мўминовни учратдик.

– 12 майда бу ёққа қараб йўлга чиққанмиз, – дейди Аҳмад Сувонқулов. – Келганимизда ҳаммаёқ сув ичида, бу жойлар бепоён денгизга ўхшаб қолган эди. Қурувчилар палаткаси ўрнатиладиган жойни тозалаб, 19 та техника ёрдамида сувни тинимсиз тортиб зовурга ташлаб турдик. Кейин соз тупроқ тўкиб, текисладик. Устидан тахта, ДСП ташлаб, палаткаларни тикладик.

– Икки сменада ишлаётган бўлсаларингиз керак, – сўрайман ундан.

– Қурувчиларда "световой день" деган тушунча бор, – дейди ҳоким ўринбосари. – Эрта тонгдан кеч қоронғугача ишлаяпмиз. Сабаби, ҳозиргача электр тармоғи узиб қўйилган эди. Ўтган куни электр тармоқлари тизимини янгилаб, ишга туширдик. Барча сектордан вакилларимиз бор, қурилиш материалларидан тортиб, палатка-ю, қозон-товоққача, бутун керакли нарсаларни ўзимиз билан олиб келганмиз. Вилоят раҳбарлари навбати билан Сурхондарёдан келиб, ёрдамчиларга ош қилиб бераяпти, озиқ-овқат тарқатаяпти. Мана, эртага Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг вилоят бошқармаси раҳбари Рўзимурод Авазов 885 кишига ош қилиб бераяпти...

Фақат "суяги" қолган бетон панелли уйларнинг ичидан бурқисиб чиқаётган тутун кўкка ўрлаяпти. "Намни қуритиш учун бўлса керак", деб ўйладим ва ҳоким ўринбосаридан битта уйни тўлиқ таъмирлаб, уй эгаларини кўчириб киритиш учун неча кун кераклигини сўрадим.

– Бундай олганда бунинг учун бизга икки ҳафта кифоя, – деди Аҳмад ака. – Ўн-ўн икки кун ичида битта уйда ишни якунласа бўлади. Лекин бетон панелли уйларнинг асосий қисми керамзит билан қопланган. Керамзит эса ўзига намни яхши тортади. Ишни пишиқ-пухта қилиш учун биринчи навбатда ҳар бир уйнинг ичига олов ёқиб, уни обдон қуритаяпмиз. Ишни комплекс тарзда олиб бораяпмиз. Яъни, газ, электр энергияси, сув таъминоти, қурилиш-монтаж, пардоз-андоз дегандай... Уй эгаси ҳамма нарса муҳайё қилинган уйга кўчиб киради, Худо хоҳласа...

Ҳоким ўринбосари гапираяпти-ю, фожиа комига тушиб, уй-жойи, ўлан тўшагидан мосуво бўлган, жўжабирдай боласи билан жовдираб қолган аҳолига олис Сурхондарёдан гўё яқин қариндошига, жон жигарига ёрдам беришга келган инсонларнинг бундай меҳр-мурувватини кўриб, кўнглим бўшашиб, кўзим ёшланди...

– Биз мана шу 120 хонадон эгаларини иш билан ҳам таъминлаганмиз, – деди Аҳмад ака. – Улар уйида қурувчиларимиз билан ишлаяпти, ойлик маош олишаяпти. Узоғи билан бир ойда уйларига кўчириб кириб, насиб бўлса, ҳовли тўйлари қиламиз. Ҳа, айтгандай, ҳар бир хонадон ёнида атрофи ўралиб, усти ёпилган каравот, унинг ёнига қозонўчоқ ўрнатдик. Рамазон ҳайити куни уй эгаларига бу ерда ҳайит байрами қилиб бердик. Уй битгунича улар ана шу ерда яшаб туришади.

Қурилиш-монтаж ишларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи, сенатор Баҳодир Қодиров бошчилигидаги "Сурхонтаъминотсаноат" ишлаб чиқариш компанияси таркибидаги "Термизтаъминот" кўп тармоқли қурилиш компанияси қурувчилари олиб бораяпти. Мана бу

МИРОБОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

# Фуқаролар ўз шикоятига нега

## Ёки қурилганига 70 йил бўлган икки қаватли уй деворини ўпириб, эшик

**Карантин шароитида карантин қоидаларига амал қилган ҳолда ишлаш ва яшаш ҳеч кимга ҳам осон бўлаётгани йўқ, албатта. Журналист бўлганлигимиз боис, карантин шароитида ҳам шикоят аризаларни қабул қилиб, керак бўлса, аризаларни жойига бориб ўрганишга ҳаракат қилмоқдамиз.**

Яқинда пойтахтимизнинг Мирobod тумани, Сарикўл кўчасидаги икки қаватли 5-уйда яшовчи бир гуруҳ фуқаро таҳририятимизга шикоят ариза билан мурожаат қилди. Уларга ҳозир республика миқёсида карантин жорий қилинганлиги муносабати билан аризани карантин даври тугагандан сўнг ўрганиб чиқишни айтиб жавоб қайтардик. Улар рози бўлишди. Аммо, орадан бироз вақт ўтгач, улар қайта-қайта шикоят қилишди: «Сизлар карантин тугасин, деяпсизлар. Лекин улар уйимиз деворини ўпириб, ишини давом эттиришяпти». Уларнинг ҳақли эътирози бизни карантин шароитига қарамасдан шикоятни жойига бориб ўрганишга ундади.

Аризани ўрганиш учун борганимизда бизни ушбу икки қаватли уйнинг 9 та хонадонида истиқомат қилувчи фуқаролар кутиб туришган экан. Шундан ҳам билиш мумкинки, бу муаммо уларни қаттиқ ташвишга солмоқда.

— Мана, кўриб турганингиздек, уйимизнинг тагидан эшик очишди, — дейди Елена Собирова. — Аслида бу икки қаватли 12 хонадонли уй бундан 70 йил олдин қурилган. Биринчи ва иккинчи қаватни ажратиб турадиган шифт ҳозиргидек бетон плитадан эмас, балки ёғочдан қилинган. Ушбу уйда яшаётганларнинг барчаси Б.Адиловага тегишли хонадонни ўғли қайта таъмирлаб, кўча томондан эшик очиш учун деворни ўпириб савдо дўконими ёки бошқа мақсад учунми, қурилиш қилаётганидан норози бўлиб, қанчалик қаршилик кўрсатмайлик, фойдаси бўлмади. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, карантин даврида, фуқароларимизга зарурат бўлмаганда кўчага чиқишга ҳам рухсат этилмаган вақтда бу ерда реконструкция бошлашди. Улар бу жойдан



нима очишни режалаштираётганини сўраганимизда ҳам айтишмади. Бу қурилиш ва таъмирлаш ишларига бирон ташкилотнинг рухсати бор-йўқлигини билиш учун улардан ҳужжат сўраганимизда ҳам индашмади ва қурилишни давом эттираверди. Бу қурилишга нима сабабдан бунчалик қаршилик қилишимнинг боисини хонадонимга чиқиб кўрсангиз, тушунасиз.

Менинг хонадонимга мана шу эшик очилган жойнинг шундоққина тепасида жойлашган. Фикримча, ушбу қурилиш ишлари бошлангандан сўнг, уйимнинг пол қисми анчагина чўкди. Буни эшигимиз ўнг қисми остонасидаги жипсликнинг бир-биридан анча узоқлашганидан ҳам билиш мумкин. Бундан ташқари, уйнинг пол қисмидаги тахталарнинг жипслигидан асар ҳам қолмаган. Ҳаммаси кўтарилиб кетган. Деворларимдаги кафелларнинг кўпи синиб, жойидан қўзғалиб тушиб кетай, деб турибди. Бу ҳам етмагандек, деворларимнинг барча бурчакларида ёриқлар пайдо бўлган, яъни дарз кетган.

Биз маҳалла раисига, туман ҳокимияти ва прокуратурасига ёзма мурожаат қилдик. Улар муаммони эшитишади, аризани қабул қилишади, аммо муаммони бартараф этиш учун ҳеч қандай чора кўришмаяпти. Топиб олган гаплари ҳозир карантин... Карантин бўлса, унда қурилиш қилаётган

### Эвакуация қилинган кишиларнинг 66 мингдан зиёди ўз уйига қайтди.








Санжар Шотўлаганов олган суратлар.

# ОДАМ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ»

## кўрмоқчи, билмоқчи бўлсангиз, бугун Сирдарё вилоятига келинг

киши ана шу компаниянинг бош муҳандиси Иброҳим Каримов бўладилар.

Аҳмад ака шундай дея шляпали, истараси иссиқ инсонни ёнига чорлади.

– Ҳорманглар, камчиликлар йўқми? – кўришаётиб сўрадим ундан.

– Раҳмат, ҳамма нарса етарли, – деди Иброҳим ака. Сўнгра сал нарироқда электр трансформаторини созлаётган икки йигит томонга ишора қилиб:

– Шуларни бир суратга олинг, – деди фотомухбиримизга. – Барака топкурлар, кеча-ю кундуз бош кўтармай ишлашяпти. Наригиси – Ғайрат Қатағонов, буниси – Соатмурод Турдиев. Электр симларини тортиб, трансформаторларни созлаш учун масъул. Улар боис, мана, ниҳоят, ўтган кундан бошлаб кечқурун ҳаммаёқ чароғон бўлди...

Холбек Жалолов бу ердаги ишчиларга ХДП номидан бир ўрам футболка ва шапка тарқатди. Кейин яна йўлга тушдик. Узоқдан пойдеворигача вайрон бўлган уйлар ва ўша ердаги кўча бошида тўпланиб турган одамлар кўзга ташланди. Бу Мирзаобод тумани, Ҳақиқат МФЙга қарашли Барлос қишлоғи экан. Ўша томонга юрдик. Бу ерга хайрия ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун Тошкент вилояти, Пискент тумани ҳокимлигидан вакиллар, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон 24" телеканали мухбири Шоира Ражабова келган экан.

– Тошқиндан жабр кўрган аҳолига моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида бу жойларга иккинчи марта келишимиз, – дейди Пискент туман ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи вакили Манзура Рустамова. – Уларга озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари тарқатаяпмиз.

– Жонимиз соғ қолди, ўлим-йитим бўлмади, шунга хурсандмиз, – дейди пенсионер Турсунбой Холмуродов. – Гўё янгидан туғилгандай, янгидан ҳаёт бошлаяпмиз. Тошқин бўлган куни 12 невара, ўзимиз, фарзандларимиз билан 18 жон фалокатдан қутулиб қолдик. Мол-ҳолимизни тошқин оқизиб кетди. Бош омон бўлса, дўппи топилади. Худога минг қатла шукур, пешонамизни силайдиган Президентимиз, мурувватли халқимиз бор экан, хор бўлмаймиз. Уй ҳам қуриб беришяпти, моддий ёрдам кўрсатишаяпти, 7 турдаги маиший техника воситалари олиш учун сертификат беришди, ҳали кўрмагандай бўлиб кетамиз. Моддий ёрдам кўрсатишди, Ҳозирча қариндошларникида яшаб турибмиз...

Мамаражаб Ҳазратқуловнинг онабола сигири тошқинда қолиб кетган экан. Офат тўхтаганидан 4 кун кейин келиб кўрса, сигири билан бузоғи бузилиб кетган уйи атрофидаги сувда сузиб юрганмиш. Ўткир укасининг 22 молидан 10 таси оқиб кетибди. Битта молини фалокат аригани учун хомталаш қилиб аҳолига тарқатибди...

Гулчеҳра Юнусова 6 нафар фарзанди билан қолган, боқувчиси йўқ. Гулбаҳор Дониёрованинг тўрт фарзанди бор, боқувчиси йўқ. Тожинисо Холмуродова 6 фарзандли. Уларнинг бугун кўнгли хотиржам, уй-жойи тикланаяпти, қандай ёрдам керак бўлса, кўрсатилаяпти. Жўрабек Йўлдошев ва Барно Йўлдошева, Ойсифат Ҳазратқулова, Холида Юнусова, Шоҳрух Мусаев, Шавкат Юнусов, Саломат Юнусова, Сайёра Бобоева... Бу исм-фамилияларни узоқ давом эттириш мумкин. Булар Барлос қишлоғида уй-жойидан ажралганлар... Умуман олганда, бу қишлоқда 150 та хонадон, 175 оила, 995 нафар аҳоли бўлиб, сув тошқини оқибатида 84 хонадон, 102 оила, 716 нафар аҳоли жабр кўрган.

Мирзаобод туманига қарашли Навбаҳор, Ҳақиқат, Мирзачўл, Дўнгариқ қишлоқларида 1299 хонадон талафот кўрган. 9141 нафар киши эвакуация қилинган. Улардан 2674 нафари яшаш жойларига қайтарилган. 1890 нафари ижтимоий объектларга, 4577 нафари аҳоли хонадонларига жойлаштирилган. Талафот кўрган аҳолининг 1373 шахсини тасдиқловчи, 117 олий, ўрта, ва махсус маълумотли, 1147 уй-жой ва мол-мулкини тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатлар йўқолгани аниқланиб, ИИВ, Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Банк муассасаларига рўйхатлар тақдим этилган. 10 кун муддат ичида барча ҳужжатлар тиклаб берилган. Аҳолига тегишли бўлган, йўқолган ёки оқиб кетган 3930 бош йирик ва 6570 бош майда туёқли уй ҳайвонларидан 1672 таси топилиб, эгаларига қайтарилди...

Барлос қишлоғининг уй-жойидан ажралган аҳолиси учун Чинобод мавзесида кўп қаватли уйлар қурилмоқда. Мустақиллик байрамигача уйлар битказилиб, ҳовли тўйлари ўтказилиши режалаштирилган экан. Бу ҳақда Сирдарё вилоят Халқ қабулхонаси раҳбари Холмирза Қўлдошев ҳамда Мирзаобод туман Халқ қабулхонаси мудири Турғун Сагатов, Ҳақиқат МФЙ раиси ўринбосари Ботир Исроилов гапириб беришди. Шу ҳудуддан Олий Мажлис юқори палатасига сайланган сенатор Анвар Тўйчиев ҳам кун ора тошқиндан талафот кўрганлар ҳолидан хабар олиб, муаммоларнинг жойида ечимини топишга ҳаракат қилаётган экан.

> «Бу ҳеч ким кутмаган синов. Биринчи ҳаракатимиз одамларни эҳтиёт жойларга кўчириш бўлди, – деган эди Президентимиз сув тошқини офати рўй берган Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларида оқсоқоллар, маҳалла раислари ва аҳоли билан учрашувида. – Энг катта масала – ўлим бўлмаслиги. Одамларни йиғиб, уйларга, палаткаларга жойлаштириб, озиқ-овқат билан таъминлаб, маҳаллама – маҳалла саранжом қилиб олишимиз керак. Бунинг учун ҳамма куч ва воситаларни сафарбар қиламиз. Шароит яхши бўлмагунча биронта раҳбар кетмайди.»

Яна йўлга чиқдик. Бундан 3-4 йил илгари қурилган намунали уйлар кўзга ташланди. Йўлнинг бир томонини тошқин ўпириб кетган, қудратли техникалар тиним билмай ишлаяпти. Иккинчи томондаги экинзорлар тошқин асоратидан яксон бўлиб ётибди. Катта ҳудудда яратилган интенсив боғлар туясидан етим қолган бўталоқлардай қорайиб, мункайиб, чўккалаб қолган... Ўрта кучланишли симёғочлар устига уя қурган лайлаклар бир оёғини кўтарганча олисларга термулиб, хаёлга чўмган...

Намунали уйлар қурилган ҳудуд Темирйўлчилар маҳалласи деб аталар экан. Чунки Сардоба сув омбори қурилишини амалга оширган "Ўзбекистон темир йўллари" компаниясига ушбу ҳудуддан 5 минг гектар ер ажратилиб, кўп тармоқли ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Афсуски, бу хўжалик ҳам вайрон бўлган. Бу ерга етиб келган сув тошқини сатҳи 1,5-2 метргача кўтарилган. Тошқин зарар етказган 100 та намунавий уйни таъмирлаб беришни компания ўз зиммасига олган экан. Ҳар бир хонадонда таъмирлаш ишлари қизғин давом этаяпти, ҳеч ким қўл қовуштириб ўтиргани йўқ.

Узоқдан сув омбори учун кўтарилган тўғон кўзга ташланади. Тошқин ўпирган йўлдан юриш тобора қийинлашиб бораяпти. Биз эса баландликда қурилган, сув тошқинидан омон қолган Сардоба сув омбори объектларидан фойдаланиш ва ривожлантириш бўйича дирекция биноси томон бораяпмиз. Етиб келганимизда эса унинг ёнидан ўтган канал йўлни ўпириб, бузиб кетгани ва улкан бульдозер, грейдерлар ёрдамида қайтадан тикланаётганини кўрдик. Бир амаллаб ўша томонга ўтдик. Ҳарбийлар, суд-ҳуқуқ идоралари вакиллари, диспетчерлар, алоқачилар, сув омбори хизматчилари – ҳамманинг иши бошидан ошиб ётибди. Сув омбори директори ўринбосари Нурбек Умаров учраб қолди. У деярли бир ойдан буён уйига ҳам бормай, шу ерда ётиб-туриб ишлашаётган экан.

– 2017 йилда қурилиши якунланган гидроиншоотнинг сув сиғими 930 миллион куб метрни ташкил этади, – дейди Нурбек Умаров. – Тўғонимизнинг баландлиги 28,8 метр. Айлана масофаси қарийб 29 километр. Улар 3 та участкага бўлинган. Учта кузатувчи кеча-ю кундуз назорат олиб боради. 1 май куни саҳар соат 5.00 дан ўтган пайтда кузатувчимиз Сардор Ўрозов 6-пикетдан ўтаётганида, ҳозиргина ўзи ўтган томондан сувнинг бўғиқ шовуллашини эшитади ва дарҳол бу ҳақда диспетчерга хабар беради. Диспетчер зудлик билан ваколатли идораларни оёққа турғазади. Тўғонни бузиб чиққан сув тошқини маълум фурсат ичида унга энг яқин бўлган Сардоба туманига қарашли Қўрғонтепа қишлоғига етиб бориши ҳисобга олиниб, ҳамма куч ўша томонга ташланди. Натижада Қўрғонтепа ва қолган барча қишлоқларда аҳолини муваффақиятли эвакуация қилишга эришдик.

Ҳозиргача сувнинг 30 фоизи чиқиб кетган. Сувни тўхтатиш учун ўша бузилган масофа атрофига айлантириб, вақтинча тўсиқ барпо этилди. Бузилган жойдаги сув тортиб чиқариб ташланаяпти. Техник талаблар бажарилгач, тиклаш-таъмирлаш ишларини бошлаймиз. Ҳозир тошқиндан талафот кўрган Жанубий Мирзачўл канали таъмирланаяпти. Шу битгач, пастки зоналардаги экин майдонларини суғориш учун сувни очиб юборамиз...

Сув омбори дирекцияси биносидан қайтаётиб, келишувга кўра, вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари Умиджон Шодиев билан йўлда учрашдик. Ундан ҳам керакли маълумотларни олдик.

Йўл четида "Навбаҳор" ҚФЙ ҳақида маълумотлар ёзиб қўйилган чорраҳадан нарига Йўл патруль хизмати ходимлари бизни ўтказмади. Сабаби, кўплаб техника, масъуллар, секторлар раҳбарлари, турли мутасадди ва қурилиш ташкилотлари ишчи-ходимлари шу ерда. Иш қизғин давом этаяпти. Умиджон Шодиевнинг ёнидаги киши "Ҳақиқат" МФЙ раиси Аллаберди Худоёров экан.

– Тошқин зарар етказган жойларда вилоят бўйича тузилган 10 та ишчи гуруҳи фаолият юритаяпти. "Ҳақиқат" МФЙ бўйича ҳам 2 кишидан 10 та гуруҳ тузилиб, хонадонма-хонадон юриб чиқилди. Биз Аллаберди ака билан 20 кундан буён ҳар бир хонадонга кириб, аҳволни жойида ўрганиб, компенсация тўланадиган оилалар рўйхатини шакллантириб чиқдик, – деди Умиджон Шодиев. – Ухласак, 3-4 соат мизғиб оламиз, бўлмаса ўша ҳам йўқ. Одам сони кўп, ҳар хил гаплар ҳам кўп. Бу пул масаласи, бу билан ҳазиллашиб бўлмайди. Ҳар бир тийиннинг сўрови, ҳисоб-китоби бор. Масалан, тошқин ювиб кетган ҳар бир коттежнинг таъмири учун 74 миллион сўмдан маблағ ажратилаяпти. Бундан ташқари, бир оилага яна 40 миллион сўмдан компенсация пули берилаяпти. Бунинг жавобгарлиги учун қанчалик масъул эканимизни яхши биламиз.

Аллаберди Худоёров тошқин рўй берган куни фуқаролар йиғини ҳудудидаги аҳолини охиригача кўчириб, Марказий Мирзачўл канали устига қурилган кўприкни сув олиб кетаётган бир пайтда бу ерни тарк этган. Чинобод қишлоғида яшаётган оиласини вақтинчалик Гулистондаги қариндошлариникига кўчирганидан буён уйига ҳам боргани йўқ экан...

«Бу ҳеч ким кутмаган синов. Биринчи ҳаракатимиз одамларни эҳтиёт жойларга кўчириш бўлди», деган эди Президентимиз сув тошқини офати рўй берган Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларида оқсоқоллар, маҳалла раислари ва аҳоли билан учрашувида. «Энг катта масала – ўлим бўлмаслиги. Одамларни йиғиб, уйларга, палаткаларга жойлаштириб, озиқ-овқат билан таъминлаб, маҳаллама-маҳалла саранжом қилиб олишимиз керак. Бунинг учун ҳамма куч ва воситаларни сафарбар қиламиз. Шароит яхши бўлмагунча биронта раҳбар кетмайди. Сабр қилиб, оғирликни елкамизга олиб, чидашимиз керак. Биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди»...

Сув тошқини офати рўй берган Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 28 аҳоли пунктларидан Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудига эвакуация қилинган кишиларнинг 66 мингдан зиёди ҳозиргача ўз уйига қайтди. Табиий офатдан зарар кўрган маҳаллаларда ҳаёт аста-секин изга тушяпти, тозалаш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган ишлар ана шу ягона, эзгу мақсадга йўналтирилган. Давлатимиз раҳбари ҳар сафар Сирдарёга келганида, офатдан зарар кўрган инсонларнинг ҳаётини нафақат олдинги ҳолатига қайтариш, балки уни янада яхшилаш, янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиб, янги иш ўринлари яратиш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар билан танишиб, мутасаддиларга қўшимча топшириқлар беради.

Фожиадан талафот кўрган сирдарёликларни бутун Ўзбекистон халқи қўллаб-қувватлаяпти. Сафардан қайтарканман, офат оқибатларини бир тану бир жон бўлиб бартараф қилишга киришган, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан қалб амри билан келиб, меҳнат қилаётган қурувчи-ю ҳашарчиларнинг тантилигини, саховатпешалигини кўриб, тўлқинландим, фахрландим, шодландим. Бу халқнинг сабр-матонати, меҳр-оқибати бундан-да улуғ ишларга қодирлигини тушундим, юрак-юракдан ҳис этдим.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**
**"Ўзбекистон овози" мухбири.**

---

# қониқарли жавоб ололмаяпти?

## очиб, нимадир қуришга ким рухсат берди?

фуқаро уйимизни бузишни тўхтатсин. Нима, 70 йиллик уйнинг биринчи қавати деворини бузиб, эшик очаётганлар учун карантиннинг дахли йўқми? Агар уйимиз биринчи қаватида савдо дўконими ёки бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси очмоқчи бўлса, шу ерда яшовчиларнинг розилиги олинмайдими? Биз бу қурилишга жон-жаҳдимиз билан қаршилик кўрсатсак ҳам бизни ҳеч ким тингламаяпти.

— Ушбу уйдан бошқа мақсадда фойдаланиш учун деворини бузиб, кўча томондан эшик очиш ишлари бошланди-ю тинчимиз бузилди, — дейди 80 ёшни қоралаб қолган Зинаида Ковалева. — Бу қурилиш бўлаётган хонадон билан ён қўшни бўлганим боис, кўп азият чекдим. Айниқса, улар перфоратор ишлатиб, деворларни тешаётганда, уйда ўтириб бўлмади. Перфораторнинг зарбидан уйимнинг барча хоналаридаги деворларига дарз кетди. Шифтдан қумлар тўкилди. Уйимнинг шунча кўрган зарарини ким қоплаб беради? Бу қурилишга қаршилик кўрсатаман деб, касал бўлиб қолдим ва даволаниб ҳам чиқдим. Мана шу уйда яшовчи фуқаро сифатида бу қурилишга фаол қаршилик кўрсатиб, шикоят қилмаган идорамиз қолмади. Аммо, ҳеч ким тингламади.

> Биз маҳалла раисига, туман ҳокимияти ва прокуратурасига ёзма мурожаат қилдик. Улар муаммони эшитишади, аризани қабул қилишади, аммо муаммони бартараф этиш учун ҳеч қандай чора кўришмаяпти. Топиб олган гаплари ҳозир карантин... Карантин бўлса, унда қурилиш қилаётган фуқаро уйимизни бузишни тўхтатсин.

— Бу можаролар карантиндан олдинроқ бошланган эди, — дейди Миробод туманидаги «Истиқлолобод» маҳалласи, Тўра Сулаймон хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати раҳбари Шаҳноза Эргашова. — Ушбу уй икки қаватли ,12 хонадондан иборат. Бу уйнинг қурилиши 1950 йилларда бошланган бўлиб, ҳозирда анча эскириб қолган. Айни вақтда ушбу уйда истиқомат қилувчиларнинг норозилиги ҳамда мутахассисларнинг фикрича, қурилганига деярли 70 йил бўлган деворни ўпириб эшик очиш, бутун бошли икки қаватли уйни хавф остига қўяди. Яъни қулаб тушиш хавфини орттиради. Айниқса, эшик очилган жойнинг тепасидаги хонадонга зарари кўпроқдир. Бир сўз билан айтганда, бу муаммони ҳал этиш борасида шикоят қилинмаган идора қолмади. Умуман натижа йўқ...

Энг қизиғи, бу ерда яшаётган фуқаролар бу қурилишдан мақсад нималигини ҳам билишмайди. Бу ҳақда қурилиш қилаётган фуқаро уларга айтмаган. Ушбу икки қаватли уйда истиқомат қилувчилар фақат бир нарсани, яъни тинч ва осуда яшашни хоҳлашади.

Биз бу уйда яшовчилар фикрини эшитгач, туман ҳокимлигига бордик.

Туман ҳокимлиги биноси олдида бизни «карантин» деган лавҳа ва қоровул кутиб олди. Қоровулга мақсадимизни тушунтирганимиздан сўнг ҳозир туман ҳокими йўқлигини, карантин пайти эканлигини эслатди. Яъникм, карантин даврида нима қилиб юрибсизлар демоқчи бўлди. Ишимиз зарурлигини тушунтирганимиздан кейин у девонхона ходимлари ўтирадиган хонани кўрсатди.

Девонхона ходимасига ҳам масалани тушунтиришга тўғри келди. Ундан ҳоким ёки ўринбосарларидан бири билан боғланишимизга ёрдам сўрадик. У туман ҳокими аппарати раҳбари Умид Аднаев билан учрашишимиз мумкинлигини айтди. Аппарат раҳбари масалани эшитгач, масъул ходимидан дарҳол архив маълумот дафтарини олиб келишни буюрди. У ходим бу муаммодан хабари борлиги ва бу муаммо ўрганилиб, масала ҳал этилганини айтди. Эмишки, девор эшик очиш учун бузилган ва уни очиқлигича қолдирмасдан эшик ўрнатиларкан. Масала шу билан ҳал этилганмиш. Биз 70 йил олдин қурилган уйнинг бугунги аҳволи, яшовчилар норозиликларини тушунтиришга ҳаракат қилдик.

Шундан сўнг, ҳокимият вакили бу масалани ўрганиш жараёнида қурилиш қилаётган фуқаро билан учрашиб, ундан тегишли ҳужжатлари сўралганда, у фуқаро ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмаганини айтди.

Бундан ташқари, Миробод тумани қурилиш бўлими бошлиғи Б.Ибрагимов томонидан тузилган далолатномада айтилишича, ушбу хонадон эгаси Б.Адилова Миробод тумани, Саракўл кўчаси, 5-уй, 7-хонадонда ўзбошимчалик билан қурилма барпо этганлиги аниқланган ҳамда унга нисбатан қонуний чора кўрилган(?!)

Қизиқ, кимдир нима мақсаддадир икки қаватли «70 ёшли» уй деворини бузиб, кўча томондан эшик очяпти. Бундан уй ҳам, одамлар ҳам зарар кўраяпти, норози бўлаяпти. Ҳақли савол туғилади, ҳокимият вакиллари масалани ўрганишга борганида, нима сабабдан деворни қайтадан тиклаб қўйишни талаб қилишмади? Қўшни хонадонларга зарарларни қоплаб бериш масаласини кўрмади? Нега одамлар билан суҳбатлашиб, уларни хотиржам қилишмади?

Бир сўз билан айтганда, тумандаги масъулларнинг биринчи вазифаси одамлар дардини эшитиб, уларни рози қилиш эмасми? Бу муаммо эътиборсиз қолмайди, деб ўйлаймиз.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Абдулла Авлоний айтганидек: «Миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмоқдир».**

КУН МАВЗУСИ

# ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ ҚАДРИ ҲАМИША БАЛАНД БЎЛМОҒИ ШАРТ

1989 йил 21 октябрда Давлат тили ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинган эди. Орадан 30 йил ўтиб, яъни 2019 йил 21 октябрь куни "Тошкент сити"нинг конгресс холлида Давлат тили қабул қилинган кунни нишонлаш бўйича катта йиғилиш ўтказилди. Ўзбекистон Президенти мазкур йиғилишда катта тарихий маъруза билан чиқиш қилиб, 21 октябрни бундан буён Ўзбек тили байрами куни сифатида нишонлаш ҳақидаги янги Фармонини ўқиб берди...




Унда ўзбек тили мавқеини кўтариш бўйича яна кўпгина масалалар белгилаб берилган. 2020 йилдан мамлакат бўйлаб Она тили байрами ўтказилишига келишиб олинди. Вазирлар Маҳкамасида алоҳида Департамент тузилди. Унинг зиммасига Давлат тили мавқеини мустаҳкамлаш, унинг фуқароларимиз ҳаётидаги ўрнини кучайтириш, айниқса, барча идора ва идоралараро ҳужжатларнинг тўлиқ Давлат тилида юритилишини таъминлаш, назорат қилиш масалалари юкланди.

Ана шу масалада эътиборсизликка йўл қўйган мансабдор шахсларни маъмурий жазолаш даражасида вазифалар белгиланди. Чунки сир эмас, икки идора мутасаддиси бир миллат вакили бўла туриб, ўзаро ёзишмаларни рус тилида ёзаётган ҳолатлар оз эмас. Худди шундай ҳол маданий марказларда ҳам кўп. Айниқса, аҳолиси фақат маҳаллий миллат вакилларидан иборат бўлган маҳалла идорасига оддий хат давлат тилида юборилмаса, бунга қандай баҳо бериш мумкин? Бу миллатга, давлат тилига ҳурматсизлик эмасми?

Энди бундай вазиятларда амалдор шахсларга жарима шаклида жазо қўлланиладиган бўлди. Биз қайси миллат вакили бўлишимиздан қатъи назар, модомики ўзимиз яшаётган давлат тилини эъзозламас, ҳурмат қилмас эканмиз – бу аввало шаънимизни, ўзлигимизни ҳурмат қилмаган, менсимаган бўламиз. Давлат тилини ҳурмат қилсакгина, уни ҳимоямизга олсакгина вазиятни ўзгартира оламиз. Ҳеч эътибор қилганмисиз, бошқа миллат тилида гапирганингизда суҳбатдошингиз талаффузда йўл қўйган хатонгизни тўғрилаб, сиздан "ўз тили"да тўғри сўзлашни ётиғи билан талаб қилади. Биз ҳам шундай қилсак, она тилимизни ҳурмат қилишга ўта бошлаймиз, ўз миллий қадриятимизни чуқурроқ ҳис этамиз. Бунинг учун аввало ўзимиз она тилида сўзлашиш қоидаларига риоя этишимиз керак ва шарт! Бу ўз навбатида ўсиб келаётган ёшларимизга ҳам ўрнак бўлади.

Шу билан бирга Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Уларнинг ўз она тилларини эркин қўллаш ва ривожлантириш борасидаги ҳақ-ҳуқуқларини қўллаб қувватлаган холатда, Ўзбекистон Давлат тилини ҳам билиши талаб этилади.

Албатта, бу табиий ҳол. Умри Ўзбекистонда ўтаётган, ҳатто шу тупроқда туғилиб ўсган минг-минглаб турли миллат вакиллари шу юртни Ватан тутган эканлар, Давлат тилини ҳурмат қилишлари, ўрганишлари, билишлари керак.

> Ҳозир юртимизда синовли кунлар кечаётган бир пайтда Давлат тили масаласининг кўтарилиши фуқароларимизни, айниқса мансабдор шахсларни ўз фаолиятига танқидий кўз билан қарашга, ёндашишига мажбур этади. Уларни ҳушёрликка чорлайди.

Давлат тилининг қадри шундагина баланд бўлади.

Шу ўринда пойтахт шаҳри бошқа вилоятлар, шаҳар ва туманлар аҳолисига ўрнак бўлиши кераклигини, шаҳарнинг марказий кўчаларида, емакхона ва корхоналарда рекламалар ўзбек тилида берилиши шартлигини таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 мартдаги буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Қозоқ миллий маданий маркази томонидан Абай Қўнонбоевнинг 175 йиллиги муносабати билан "Абай абадиёти" асари ўзбек тилига таржима қилинди. Бу асар республикамиздаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари ва мактаб ўқувчиларини қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоевнинг бой ижодий фаолияти билан таништириш мақсадида барча ўқув юртларига бепул тарқатилди.

Қозоқ миллий маданий маркази ташаббуси билан ўзбек тилида-таҳсил олаётган талабалар орасида Республикамиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Абай Қўнонбоевнинг фаолиятига бағишланган ижодий иншо ёзиш учун конкурс эълон қилинган. Конкурс ғолибларини тақдирлаш мақсадида биринчи ўрин учун енгил автомашина, иккинчи ўрин учун музлатгич, учинчи ўрин учун кир ювиш машинаси ажратилган.

Шунингдек, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий асарларини республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган қозоқ талабалари ва мактаб ўқувчилари ўртасида тарғиб қилиш мақсадида республика қозоқ миллий маданий маркази томонидан Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" асари қозоқ тилига таржима қилиниб, нашрга топширилди. Бу ўзбек-қозоқ халқларининг қардошлик анъаналарини янада ривожлантиради. Ушбу асар юзасидан Ўзбекистон олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган қозоқ талабалари ўртасида ижодий иншо ўтказиш ва ғолибларни қимматбахо совғалар билан рағбатлантириш режалаштирилган.

Шу билан бир қаторда қозоқ миллий маданий маркази саъйи-ҳаракати асосида Ўзбекистон қаҳрамонлари, халқ шоирлари Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовларнинг шеърий тўпламлари қозоқ тилига таржима қилиниб, ўзбек-қозоқ дўстлик жамияти ҳомийлигида нашр этилди. Бу асарлар республикамиздаги барча қозоқ талабаларига бепул тарқатилди.

Шу билан бир қаторда республикамиз ҳудудларида истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантиришни кўзда тутиб, республика ҳудудида яшаётган қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, рус ва бошқа миллат фарзандлари учун республикамиз мактабларида таълим етти тилда олиб борилмоқда. Барча ўқувчилар учун ўз тилларида дарсликлар нашр этилиб, ўқувчилар тўла таъминланмоқда. Бир қатор олий таълим муассасаларида ҳам таълим етти тилда олиб борилмоқда.

Бугунги кунда республикада ўзбек тили лотин графикасидаги ўзбек алифбоси асосида олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда кирилл алифбоси ҳам амалда кенг қўлланилмоқда. Ҳозир юртимизда синовли кунлар кечаётган бир пайтда Давлат тили масаласининг кўтарилиши фуқароларимизни, айниқса мансабдор шахсларни ўз фаолиятига танқидий кўз билан қарашга, ёндашишига мажбур этади. Уларни ҳушёрликка чорлайди. Чунки она тили – бу улуғ маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний айтганидек: «Миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмоқдир». Бу сўзлар ҳар биримизни чуқур ўйлашга, хулоса чиқариб яшашга ундайди.

**Серикбай УСЕНОВ,**
**Ўзбекистон қозоқ миллий маданий маркази раиси.**

БИЛАСИЗМИ?

## Ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолишга йўл қўйиладими?



Ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш унинг ёзма розилиги билан ёки суднинг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Ходимнинг розилигисиз меҳнат ҳақидан қуйидаги ҳолларда ушлаб қолиниши мумкин:

— белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;

— суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;

— олдиндан берилган мақсадли пуллар (масалан, хизмат сафарлари учун берилган ва ишлатилмай қолинган аванс) бўйича ҳисоб-китоб қилиш ҳамда ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун;

— меҳнат таътили бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун;

— ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун;

— интизомий жазо тариқасида тайинланган жаримани ундириш учун.

Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходим иш ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим. Ушбу чеклов алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазо тайинланган ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолишга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда ушлаб қолинадиган ҳақнинг миқдори етмиш фоиздан ортиб кетмаслиги лозим.

## "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази ташкил этилади




Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент Фармонига мувофиқ, Адлия вазирлиги ҳузуридаги "Адолат" ҳуқуқий ахборот маркази давлат муассасаси, "Инсон ва қонун" газетаси таҳририяти ДУК ҳамда "Ҳуқуқ ва бурч" ижтимоий-ҳуқуқий журнали таҳририяти негизида вазирлик қошида давлат муассасаси шаклидаги "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази ташкил этилади.

Марказ аҳоли ва ижрочиларга жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий ахборотларни ҳамда тарғибот материалларини тайёрлаш ва тезкор тарқатиш, шунингдек, қонун ҳужжатлари матнларини расмий эълон қилиш соҳасида республиканинг етакчи давлат муассасаси ҳисобланади.

"Инсон ва қонун" газетаси таҳририяти ҳамда "Ҳуқуқ ва бурч" ижтимоий-ҳуқуқий журнали таҳририяти амалдаги хизмат кўрсатиш соҳаларини сақлаб қолган ҳолда фаолият юритади.

## Бирламчи бозордан уй сотиб олганда тўланадиган 5 фоизлик ставка бекор бўлди



"Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" Қонун (ЎРҚ-619-сон, 20.05.2020 й.) Президент томонидан имзоланди.

Киритилган ўзгартишларга кўра, Ўзбекистонда доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида янги қурилган кўчмас мулк сотиб олинганда мол-мулкнинг олди-сотди шартномаларини тасдиқлаганлик учун шартнома суммасининг 5 фоизи миқдордаги давлат божининг алоҳида ставкаси чиқариб ташланди.

## Бемор

**тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган ва тиббий ёрдам олаётган пайтда қуйидаги ҳуқуқларга эга**

— шифокорни ва шифохонани танлаш;

— санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда текширувдан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш;

— ўз илтимосига кўра бошқа мутахассислардан маслаҳатлар олиш;

— тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлиғининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши;

— тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиш.

**Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали.**

РЕКЛАМА

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2020 йил 5, 12, 26 март ва 21 май кунлари ўтказилган аукцион савдоси натижасига кўра, «IPOTEKA LEASING» МЧЖ балансидаги д/р 01/779BFA бўлган «LACETTI» – 75 500 000 сўмга; Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги «YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA» ДУК балансидаги д/р 01/239TBA бўлган «НЕКСИЯ» – 24 600 000 сўмга; Марказий авария-диспетчерлиги хизмати корхонаси балансидаги д/р 01/367BCA бўлган «ЗИЛ130К0002» – 16 650 000 сўмга; «INSON VA QONUN» ДУК балансидаги д/р 01/040TCA бўлган «LACETTI» – 55 850 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти Тошкент вилояти Кенгаши балансидаги давлат рақами бўлмаган «СУПЕР САЛОН» – 14 800 000 сўмга; «MAXAM-CHIRCHIQ» АЖ балансидаги 30.7 тонналик 57746802, 57746513, 57746265, 57745721 ва 57745747-сонли жами 5 (беш) та темир йўл қозонлари (цистерналари) ҳар бири – 60 150 000 сўмдан сотилганлиги ҳамда «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «УЗМОБАЙЛ» филиали балансидаги д/р 01/785DCA бўлган «ДАМАС» русумли автотранспорт воситаси ушбу ташкилотнинг 2020 йил 18 майдаги 41-01-15/1315-сонли хатига асосан; «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК ТШТТ филиали балансидаги д/р 01/168NBA бўлган «УАЗ-3903»; д/р 01/558UCA бўлган «ГАЗ-5201»; д/р 01/713HBA бўлган «ГАЗ-53А»; д/р 01/816HBA бўлган «ГАЗ-2705»; д/р 01/843GBA бўлган «ГАЗ-5227» русумли автотранспорт воситалари ушбу ташкилотнинг 2020 йил 21 майдаги 47-01-08/1446-сонли хатига асосан; Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси (99951-сонли харбий қисм) балансидаги жами бошланғич баҳоси 148 214 542 сўм бўлган 22 турдаги қозонхона жиҳозлари ушбу ташкилотнинг 2020 йил 8 майдаги 362-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

**Гувоҳнома № 005357**

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИДА

# ЯНГИ КЎРИНИШДАГИ КАДАСТР ПАСПОРТИ БЕРИЛМОҚДА






Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда кўчмас мулк объекти кадастр паспортининг янги намунасини босқичма-босқич жорий этиш мақсадида 2019 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кўчмас мулк объекти кадастр паспортининг янги намунасини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Қарорга кўра, 2020 йил 1 мартдан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган кўчмас мулк объектига бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар вужудга келган, бошқа шахсга ўтган, бекор бўлган ёки кўчмас мулк объектининг ҳуқуқий ҳолати ўзгарганлигини тасдиқлаш юзасидан мурожаат қилинганда, ариза берувчига давлат хизматлари марказлари орқали Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг пластик шаклда тайёрланадиган кўчмас мулк объекти кадастр паспортининг янги намунасини (янги намунадаги кадастр паспорти) берилиши назарда тутилган.

Бугунги кунда Фуқаролар Тошкент шаҳридаги Дават хизматлари марказларига Тошкент шаҳрида жойлашган кўчмас мулк объектига бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар вужудга келган, бошқа шахсга ўтган, бекор бўлган ёки кўчмас мулк объектининг ҳуқуқий ҳолати ўзгарганлигини тасдиқлаш юзасидан мурожаат этишганда, янги наъмунадаги кадастр поспорти берилмоқда.

Мазкур кадастр паспорти электрон кўринишга эга бўлиб, кўчмас мулк тўғрисидаги барча маълумотлар киритилган. Шунингдек, янги наъмунадаги кадастр паспортида QR-код тизими мавжуд бўлиб, ушбу тизим орқали мулкдорлар вокалатли ташкилотларга мурожаат этмасдан туриб, кўчмас мулк тўғрисидаги маълумотларни исталган вақтларида "QR scanner" мобиль иловаси орқали олишлари мумкин.

**Фирдавс МАНСУРОВ,**
**Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази директори.**

**Агар инглиз тилини яхши билсангиз, келажагингизни туризм ва меҳмонхона хўжалигига бағишламоқчи бўлсангиз, бизнинг университетга ўқиш учун ҳужжат топширинг.**

# ХАЛҚАРО ТУРИЗМ

## ривожланишида олий таълим муассасаларининг интеграциялашуви муҳим аҳамиятга эга

Президент қарори билан бундан икки йил муқаддам Самарқандда "Ипак йўли" туризм халқаро университети ташкил этилган эди. Бугунги кунда университет учун ажратилган бинони тўлиқ капитал таъмирдан чиқариш ишлари якунланмоқда ҳамда "Ақлли университет" тамойилига мослаштирилмоқда. Бу йилги ўқув йили янги ўқув биносида бошланди.

"Ипак йўли" туризм халқаро университети Биринчи проректори вазифасини бажарувчи, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Баҳодир Тўраев билан суҳбатимиз истиқболдаги вазифалари тўғрисида бўлди.

**– Баҳодир Ҳотамович, университет фаолияти, кадрларни хорижда ўқитиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз?**

– Халқаро туризмни ривожлантириш ҳамда мазкур соҳада профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни олиб бориш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг тарихий ва маданий-гуманитар алоқаларини янада ривожлантириш, шунингдек, Марказий Осиё давлатларининг сайёҳлик брендларини Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида илгари суриш ва улардан ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини ошириш бош мақсадимиз ҳисобланади. Университет қошида "Марказий Осиё ва Жанубий – Шарқий Осиё халқаро туризм тадқиқот маркази" (Central Asia and South East Asia International Tourism Research Center) ташкил этилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб Ҳиндистоннинг Лаври ва Ҳайдаробод университетлари билан ҳамкорликда қўшма информацион технологиялар факультети очиш режалаштирилмоқда.

Университет бинолари жойлашган ҳудудда "Ипак йўли" туризм таълим боғи ташкил этилади. Бундан ташқари, университет учун ўқув-ишлаб чиқариш комплекси сифатида фойдаланиш ва туристларга сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида Самарқанд шаҳридан ташқари ҳудудда "Ипак йўли экотуристик база"си ташкил этилади.

Университетимизда кадрларни хорижда ўқитиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Туризм соҳасида ахборот технологиялари маркази мутахассиси Абдурашид Дониёров ҳозирги вақтда Жанубий Корея Республикаси Конгжу университетида Ахборотлар технологияси ва дастурлаш ихтисослиги бўйича, Умумкасбий ва ихтисослик фанлари кафедраси ўқитувчиси Дилафрўз Набиева Испаниянинг Лас Палмас де Гран Канария университети Туризм иқтисодиёти ва бошқаруви ихтисослиги бўйича докторантурада таҳсил олмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали хорижда малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантурада ўқиш бўйича танловда Умумкасбий ва ихтисослик фанлари кафедраси ўқитувчиси Ҳамид Тўраев совриндор бўлди.

Туризм соҳасида кадрлар тайёрловчи нуфузли хорижий олий таълим муассасалари ва туристик марказлар билан 60 дан ортиқ ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Мазкур шартномалар доирасида ўтган йили Индонезиянинг Гунадарма университетида 2 нафар ўқитувчи, Россия Федерациясининг Белгород давлат университетининг "Пегас" мактабида 1 нафар ходим, Италиянинг Рим шаҳрида жойлашган «Tor Carbone» мактабида 2 нафар ходим ва 1 нафар ўқитувчи стажировкада бўлиб қайтишди. Шу ўринда "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан хорижда малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантурада ўқиш бўйича ўтказилаётган танловлар хусусида тўхталсам.

Бизнинг фикримизча, мазкур ўтказилаётган танловлардан самара жуда кам бўлади. Сабаби, бу танловларнинг ҳамма учун тенг ҳуқуқлилик асосида ўтказилиши белгилаб қўйилган. Балки, бу тўғридир, лекин олий таълим муассасаларининг истиқболини белгилашда, уларнинг илмий салоҳиятини оширишда бошқа йўлдан бориш керак. Жамғармага берилган квоталарни олий таълим муассасаларининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, тақсимлаш мақсадга мувофиқ. Сабаби, фақатгина олий таълим муассасаси ўзининг қайси бўлимини ривожлантиришни ёки қайси фан бўйича мутахассис етишмаслигини яхши билади. Шу сабабли, танловлар муайян олий таълим муассасаси ичида ўтказилса, яхши самара беради.

Агарда танлов ҳозирги тартиб бўйича ўтказилиб борилса, ҳудудларда жойлашган олий таълим муассасаларида малакали кадрларнинг етишмаслиги ёки айрим олий таълим муассасаларида малакали кадрлар мутлоқ кўп ҳолати давом этаверади.

**– Университетга хориждан ўқитувчилар жалб қилинган. Улар талабаларга қайси йўналишларда таълим беришаяпти?**

– Университетга жами 12 нафар хорижлик профессор-ўқитувчи жалб этилган бўлиб, шундан 4 нафар профессор-ўқитувчи билан ўқув йилининг охиригача меҳнат шартномаси тузилган. Қолган ўқитувчилар ўз фанлари доирасида университетимизга ташриф буюриб, ўзларига юклатилган модулни ўтиб беришади ҳамда якуний назоратларни ўтказиб, талабалар билимини баҳолашади.

Республикамизда коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва унинг тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирлар дастуридан келиб чиқиб, кейинги муддатларга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар билан дарсларни масофавий ташкил қилиш ишларини йўлга қўйдик.



Университетимизга жалб этилган профессор-ўқитувчилар билан меҳнат шартномаси тузишда биз, аввало, улар ўқиган, илмий-тадқиқот ишларини олиб борган ҳамда ишлаётган олий таълим муассасалари жаҳоннинг нуфузли 1000 талик рўйхатига кирганлигига эътибор қаратамиз.

**– Ҳозирги давр ва инновацион ёндашувлар талаби асосида мутахассисликка оид бўлмаган дарслар қанчага қисқарди? Дарс унумдорлиги ошдими?**

– Таълим дастури фанлари бўйича силлабуслар ISO9001-2015 халқаро таълим стандартларига мослаштирилган ҳолда ишлаб чиқилди. Университетда 5 кунлик таълим ҳафтаси ҳамда унга мувофиқ 2+1 таълим тизими жорий қилинди. Таълим дастурлари бўйича дарс жараёни давомийлиги 50 дақиқа, танаффус 10 дақиқа белгиланган. "Ипак йўли" туризм халқаро университетида талабаларни анъанавий гуруҳларга бириктиришдан воз кечилиб, рақамли кодлаштириш тизимига ўтилди.

Make-up имтиҳон топшириш тизими, яъни, талаба имтиҳонни ижобий натижа билан топшира олмаган тақдирда, 1-2 ҳафта ўтгач, топшира олиши, шу билан биргаликда академик қарздорлик талаба томонидан ўқишга кирган йилидан (1-курсдан) бошлаб 7 йил мобайнида топшириши мумкинлиги белгиланди. Академик семестр давомида талабалар эътиборига бештагача фан тақдим этилади. Шундан талабалар томонидан кўп эътироф этилгани ўқув жараёнига татбиқ этилиши кўзда тутилган. Университет таълим тизимига профессор-ўқитувчиларни жалб этиш учун KPI тизими жорий қилинди ва фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ва ходимлар меҳнат фаолияти натижаларини KPI эффективлик кўрсаткичи бўйича баҳолаш белгилаб қўйилди.

Таълим бериш жараёнини мукаммаллаштиришнинг технологияларидан бири сифатида, талабаларни аудиторияга боғламасдан туриб, креатив дарс ўтиш тизимини яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Президентимизнинг "Ипак йўли" туризм халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорида 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, ўқитишнинг кредит тизимига ўтилиши вазифа қилиб белгиланган эди. Биз бу масалани ечиш мақсадида Европанинг нуфузли олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган ўқув режаларни ўрганиб чиқдик ва мутахассисликка оид бўлмаган фанлар сонини кескин қисқартирдик. Ҳозир ўқув режаларимизда ҳар семестр учун 4 мутахассислик ва 1 танлов фани мавжуд. Мутахассисликка оид бўлмаган фанларнинг бир қисмини танлов фанлари сифатида қолдирдик, бир қисмини клублар шаклида фаолиятини йўлга қўйдик.

**– Янгича ўқитиш тизими университетда қандай йўлга қўйилди?**

– Таълим жараёнига жалб этилиши лозим бўлган хорижий мутахассислар билан ишлаш тартиби, инглиз тилида таълим беришга алоҳида аҳамият берилган ҳолда ишлаб чиқилди. Университет фаолиятида талабалар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, унинг қошида "Students Parliament" ташкил этилди, "Иш берувчилар кенгаши" шакллантирилди. Университет ҳудуди бўйлаб жонли нутқ ҳудудлари яратилди.

Талабалар орасида ижобий таълим муҳитини яратиш мақсадида университет фаолиятида эдвайзинг ва тюторлик хизматлари йўлга қўйилди. Хорижий илмий журналлар маълумотлар базасига обуна бўлдик. Университетнинг амалдаги бошқарувини мувофиқлаштириш ва жаҳон таълим майдонига жадал интеграция қилиш мақсадида университет Сенати йўлга қўйилди. Ходимлар эффектив меҳнат фаолиятини моддий рағбатлантириш мақсадида янгиланган ҳамда фойдали эффективлик коэффициентини (ФЭК-KPI) ҳисоблаш тизимига асосланган мониторинг тизими жорий қилинган.

**— Карантин даврида талабаларни масофадан ўқитиш тизими жорий этилдими?**

— Биз мазкур ўқув йилидан бошлаб, дарсга қатнашиш бўйича давоматни эркин қилдик. Бу тажриба республикамиз ОТМларининг ичида биринчи бор университетимизда татбиқ этилди, деб бемалол айта оламан. Бу талабаларимизнинг мустақил таълим соатларига эътибор қаратганимиз ҳамда мазкур соатларни амалда бажариш учун талабаларимизга етарлича вақт ажратиш заруратидан келиб чиқди. Ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилдик ҳамда таълим беришда назария + амалиёт услуби (3+2)ни жорий этдик.

Албатта, бу ислоҳотни жорий қилишда талабаларда тушунмовчиликлар кузатилди. Шунингдек, маълум вақт ўтиши билан уларда ўқиш жараёнига нисбатан маъсулиятсизлик ҳолатлари кузатила бошланди. Бу муаммонинг олдини олиш мақсадида ўқув йилининг II семестридан бошлаб талабаларнинг дарсларга эркин қатнашишларини таъминлаш мақсадида ҳамда университет профессор-ўқитувчиларига академик мустақиллик бериш учун ўқитишнинг турли масофали таълим платформалари ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижасида университетнинг хусусиятидан келиб чиқиб, Эдмодо таълим платформасидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Университетнинг таълим жараёнига жалб этилган хорижлик мутахассисларнинг берган тавсиялари асосида Эдмодо таълим платформасидан фойдаланиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди ҳамда етарли хорижий тажрибага эга университет мутахассислари Алишер Комилов ва Жасур Яхшиликовлар томонидан университет профессор-ўқитувчиларига ва талабаларга семинарлар ташкил этилди. Натижада айрим талабаларимиз ва магистрларимиз ўқув масофадан туриб ҳам таълим олиш имконига эга бўлишди. Республикамизда карантин ҳолати эълон қилиниши билан олий таълим муассасаларининг талабаларига 16 мартдан таътил эълон қилинди ҳамда уларни 1 апрелдан бошлаб масофали ўқитиш йўлга қўйилди.

Эдмодо таълим платформасида ўқитишнинг барча турдаги маълумотларини (аудио, видео, ҳужжатли ва бошқа) узатиш имконияти мавжуд. Бу платформа нафақат ўқитувчига талабаларнинг топшириқларни ўз вақтида топшириши, балки ота-оналарнинг ҳам фарзандларини бевосита таълим жараёни иштирокчиси сифатида кузатиши ҳамда уларнинг фанларни қандай ўзлаштираётганликларини билиш имконини беради. Шу билан бир қаторда, мазкур платформанинг яна бир афзаллиги шундаки, унда ҳар бир берилган топшириқни бажаришнинг охирги муддати (deadline) кўрсатилган бўлиб, мазкур муддат ичида талабалар фан учун ажратилган баллар (кредит)нинг бир қисмини олиш имкониятига эга бўлишади.

Платформанинг яна бир муҳим жиҳати таълимдаги коррупциянинг олдини олишга катта хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

**— Илмий тадқиқот ишлари, шунингдек, илмий лойиҳалар ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтсангиз?**

— Университетимиз Британия Кенгашининг "Creative Spark: Higher Education Enterprise Programme" номли 5 йиллик халқаро лойиҳасини қўлга киритган. Ҳозирги вақтда университетимиз мазкур лойиҳа доирасида Буюк Британиянинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бундан ташқари университетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан Республика илмий-техника дастурлари танловига "Республикамиз ҳудудларидаги буддизм обидалари турмаршрутларининг 3D моделларини яратиш", "Зиёрат туризми учун ақлли технологиялар тўпламларини яратиш", "E-ziyorat tourism" электрон платформасини яратиш, Марказий Осиё мутаффаккирларининг асарлари асосида бузғунчи ғояларга қарши маърифий, тарбиявий кураш асосларини ўзида мужассамлаштирган мультимедиа дастури ҳамда мобиль иловасини яратиш" мавзуларидаги илмий лойиҳалар топширилди. Илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватловчи Евроосиё Ассоциацияси томонидан ҳар йили ўтказиладиган қўшма, кўп томонлама танловларга Беларусь давлат педагогика университети, Россия Федерациясининг Қозон федераль университети, Елабуга институти, Россия халқаро туризм академиясининг Арманистон туризм институти профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда "Глобализация шароитида янги ипак йўлидаги меъморий-маданий ёдгорликларни сақлаш", Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма илмий-техника дастурлари танловига "Creation of the Augmented Reality Based mobile application "E-Travel Guide" мавзусида илмий лойиҳалар тақдим этилди.

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ўтказилган R.A.R (Regional Alumni Representative) - Ҳудудий битирувчилар вакили дастурининг танлов натижалари эълон қилинди. Мазкур танлов натижаларига кўра ҳамкасбимиз Алишер Комилов ҳудудий битирувчилар вакили сифатида танланди. Бу дастур доирасида келгусида университетимизда АҚШ давлат дастурларини тугатган мутахассислар ва талабаларнинг ҳудудий маркази ташкил этилади. Шунингдек, мазкур марказ фаолиятига АҚШнинг малакали мутахассислари жалб этилиб, кўплаб илмий тадқиқот лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида университет билан АҚШнинг Вайоминг университети ўртасида ҳамкорликда янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа доирасида университет профессор-ўқитувчилари учун туризм бўйича ESP семинарларини ўтказиш, туризмга оид дарсликлар яратиш, университет профессор-ўқитувчиларининг инглиз тилини билиш кўникмаларини ошириш, инглиз тилида туризм бўйича талабалар клубларини ташкил қилиш ишлари режалаштирилган.

**— Халқаро ҳамкорлик доирасида қанақа ишлар амалга оширилди, шунингдек, келгусидаги режаларингиз ҳақида тўхталсангиз.**

— Халқаро шартномалар ижроси доирасида 2019 йил ёзги малакавий амалиёт даврида университет талабалари контингентининг 20 фоизи Германиянинг "Reindls Partenkirchner Hof" меҳмонхонасида, Россия Федерацияси Белгород давлат университети қошидаги "Пегас" мактабида, Италиянинг «Tor Carbone» мактабида ва Индонезиянинг Гунадарма университетида малакавий амалиётларини ўташди.

Университетда жорий ўқув йилидан "Туризм фаолиятида логистика" таълим йўналиши бўйича Чехия, Хитой, Индонезия ва бошқа бир қатор давлатлар таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 30 дан ортиқ хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари ва туристик марказлари ўртасида 55 ҳамкорлик шартномалари имзоланган. ЮНЕСКОнинг "Ипак йўли дастури" доирасида ҳамкорликда илмий-амалий тадқиқотларни олиб бориш, университет қошида "Маданий туризм" ЮНЕСКО кафедрасини ташкил қилиш мақсадида Марказий Осиё тадқиқотлар халқаро институти билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Бундан ташқари халқаро "Ипак йўли" университетлар тармоғи «Silk-Road Universities Network» ташкилотининг Жанубий Кореядаги ваколатхонаси билан олиб борган самарали музокаралар натижасида университет ташкилотнинг тўлақонли аъзосига айланди.

Университет қошида "International journal of innovations on economics and tourism (IJIET)" илмий-инновацион электрон журнали яратилмоқда. Таянч докторантлар, мустақил тадқиқотчилар ва стажёр-тадқиқотчилар илмий ишларига нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда қўшма илмий раҳбарлик қилиш тажрибаси татбиқ қилинади.

Хорижий олий таълим муассасалари, шу жумладан халқаро QS рейтингида ТОП-1000 та нуфузли ОТМлари рўйхатига кирган олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма илмий даража (PhD, DSc) бериш дастурлари ишлаб чиқилади ва университет фаолиятига татбиқ қилинади.

Startup Internships in Bali, AsiaOppo: Hospitality Internships in China, AIPC Pandora: Professional Internship in Madrid, Spain каби International Trainee Program (ITP) дастурларига университет талабалари жалб қилинади.

Университетнинг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари таълим стандартлари халқаро таснифлаш (ISCED) талаблари асосида мутаносиб равишда 6- ва 7-даражага ўтказиш ва 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб татбиқ қилиш режалаштирилмоқда. Университет қошида илмий даражалар берувчи илмий кенгаш, "Introduction to Tourism and Hospitality Business" фани бўйича халқаро талабалар фан олимпиадаси ташкил этилади.

**— Университетда қандай муаммолар мавжуд?**

— Ҳозирги вақтда талабаларимиз Самарқанд давлат университетининг талабалар турар жойидан фойдаланиб келмоқда. Университет учун 250 ўринли ётоқхона биноси қурилиши режалаштирилган. Ётоқхона қурилишига тегишли барча техник ва молиявий ҳужжатлар тегишли ташкилотларга юборилган. Ётоқхона биносини қуриш учун Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ер участкаси ҳам ажратган. Мазкур ётоқхона биноси энг охирги талаблар асосида барпо этилади, унда талабалар билан бир қаторда хориждан ва бошқа ҳудудлардаги ОТМлардан дарс жараёнига жалб этилган профессор-ўқитувчиларнинг истиқомат қилиши учун барча шарт шароитлар мавжуд бўлади. Ётоқхона биносини қуришни жадаллаштириш бугунги кунда энг катта муаммоларимиздан биридир.

Ўқув йили якунланишига оз вақт қолди. Кўп ёшларимиз турли олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш арафасида турибди. Шу сабабли ёшларимизга мурожаат қилмоқчиман. Агар инглиз тилини яхши билсангиз, келажагингизни туризм ва меҳмонхона хўжалигига бағишламоқчи бўлсангиз, хорижда амалга ошириладиган work and travel дастурларида қатнашмоқчи бўлсангиз, халқаро диплом соҳибига айланмоқчи бўлсангиз, бизнинг университетга ўқиш учун ҳужжат топширинг. Асло, ютқазмайсиз.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**
**тайёрлади.**







## ИИВ ХАБАРЛАРИ

### ЁҚИЛҒИ ЎҒРИЛАРИ ҚЎЛГА ТУШДИ



**Жорий йилнинг 19 майга ўтар кечаси Жиззах вилоятининг Арнасой туманида номаълум шахслар "Мустақиллик" ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Турон" фермер хўжалиги дала шийпонида жойлашган дизель ёқилғиси сақланадиган идишнинг жўмрагини бузиб, у ердан 5.000 литр дизель ёқилғисини ўғирлаб кетган.**

Ички ишлар ходимлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар туфайли ушбу жиноят қисқа муддатда очилди.

Аниқланишича, Зарбдор туманида истиқомат қилувчи беш нафар фуқаро "ГАЗ-53" русумли юк автомашинасида ушбу жиноятни содир этган. Гумондорлар тезда ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан 20 май куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Айни пайтда тергов ишлари олиб борилмоқда.

### «ҚОРАДОРИ-2020»

**Тошкент вилоятининг Қуйичирчиқ туманида шу йил 20 май куни ўтказилган**



**"Қорадори-2020" тезкор тадбири давомида Тошкент шаҳар, Сергели тумани, 6-даҳада яшовчи А. А. Сурум маҳалласи ҳудудида туман ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан тўхтатилиб текширилганида, қўлидаги полиэтилен пакетдан 5 кг. 891 гр. гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланган. Вилоят ЭКБнинг 21 майдаги хулосасига кўра, у "марихуана" наркотик моддаси эканлиги тасдиқланган.**

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси, 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Терговни ИИБ олиб бормоқда.

### МЕҲНАТ ҚИЛМАЙ, РОҲАТ КЎРМОҚЧИ ЭДИ



**Сирдарё туман ички ишлар бўлимига жорий йилнинг 22 майига ўтар кечаси содир этилган ўғирлик ҳақида хабар қилинди. Номаълум шахс калит танлаш йўли билан "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи А. М. уйига кириб, ётоқхонасидан 160.000 сўм пул ва 1.100 АҚШ долларини ўғирлаб кетган.**

ИИБ ходимлари томонидан кўрилган тезкор қидирув чоралари натижасида ушбу жиноятни Сирдарё тумани "Пахтакор" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи О. К. ва М. А.лар содир этганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси, 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди ва терговни ИИБ олиб бормоқда.

### НА ПУЛ БОР, НА ДЎКОН...

**Биламизки, фирибгарнинг асосий қуроли бировнинг ишончига кириш. Аввалига катта ваъдалар бериши, вақтни чўзиб, охирида асл нияти ва кирдикорлари ошкор бўлганидан сўнг эса, йўқолиб қолиши – анъанавий усул ва сценарий ҳисобланади.**

Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, "Тутзор" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи С. С. яхши ниятда шу туманнинг "Қўшҳовуз" МФЙда яшовчи А. М.дан Чоршанбе қўрғончасида жойлашган қурилиши тугалланмаган дўконининг бир қисмини сотиб олишга қарор қилади. 2019 йил 26 апрелда икки тараф қўл ташлашиб, олди-берди ишларини амалга оширишган: яъни фирибгарнинг дўконни 15 кун ичида расмийлаштириб бериш ҳақидаги ваъдасига ишониб, 13 000 АҚШ долларини бериб юборган. Мана, шу воқеага ҳам бир йилдан ошди. Ваъда ҳамон ваъдалигича қолиб, сотиб олувчида иш ижобий ҳал бўлишига шубҳа туғилади ва у ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат қилади. Пулларни ўз эҳтиёжлари учун аллақачон сарфлаб бўлган дўкон сотувчиси ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинади.

Мазкур ҳолат юзасидан 20 май куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Терговни ИИБ олиб бормоқда.

**ИИВ Ахборот хизмати.**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети маъмурияти ва Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети) Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси филиал директори Бахтиёр Исломовга

опаси **САНОБАР ХАНХОДЖАЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Истеъдодлар миллат ғурури, мамлакат таянчи.

# ЎЗБЕК ҚИЗИНИНГ ДОВРУҒИ

## У дунёдаги кўп рақибларини доғда қолдириб келмоқда



Жадал ривожланиш даврида пухта билим олиш билан бир қаторда, спорт билан шуғулланишга вақт топиш, интилиш соғлом ҳаёт тарзи намунасидир. Шундай йўлдан бораётган ёшларимизнинг турли хил спорт турлари ва олимпиадаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаши эса, нур устига аъло нур бўлмоқда.

Президентининг 2017 йил 9 мартдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио (Япония) шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарорига биноан Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси жойларда ёшларнинг ушбу спорт тури билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш, спортчи ва мураббийларнинг маҳоратини ошириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмокда. Эндиликда республикамизда икки мингдан зиёд спортчи қиличбозлик билан мунтазам шуғулланмоқда.

2018 йил 22 февраль - 5 март кунлари Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрида қиличбозлик бўйича кадетлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимизнинг эришган ғалабаси қалбимизни қувончга тўлдирди.Чемпионатда қизлар ўртасидаги қиличбозлик йўналишида чорак финалда Япония терма жамоасини 45:43 ҳисобида мағлубиятга учратган спортчи қизларимиз чемпионатнинг бронза медали билан тақдирланди. Қитъа чемпионатида юқори натижаларга эришган спортчиларимиз ва уларнинг мураббийларига қиличбозлик федерацияси томонидан енгил автомашиналар топширилди.

Мусобақанинг терма жамоаси таркибида 300-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчиси Шаҳноза Тоғаймуродова ҳам борлиги дилимизни фахр ва ифтихорга тўлдирди.

Шаҳноза 2015 йилдан буён қиличбозлик спорт тури билан шуғулланиб келади.У дастлаб ўзбек жанг санъати, волейбол, баскетбол, шахмат каби бир қатор спорт турларида ҳам ўзини синаб кўрган эди. Интилувчан қиз фақат спорт билан чегараланиб қолмайди, барча фанларга пухта тайёрланади. Рус тили фанидан "Билимлар беллашуви" ва фан олимпиадаларида 1 ва 2-ўринларни эгаллади. Шаҳноза мактаб "Кичик академия"сида ҳам ҳар йили ўз илмий ишлари билан фаол қатнашиб келмокда.Унинг бу муваффақиятларида мактаб "Кичик академия"синнг хизмати катта эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шаҳнозанинг қиличбозлик бўйича 2019 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда ўтказилган Жаҳон кубоги мусобақаларида фахрли 2-ўринни эгаллагани унинг ёрқин истеъдодидан даракдир. Шу йили Марказий Осиё Конфедерациясида ўсмирлар ўртасида 2 марта 3-ўринни эгаллади.

У 2015 йилда, 7-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ спортнинг бу йўналишига кўнгли боғланиб қолганди. Устози Алишер Садиқовнинг унга берган сабоқлари зое кетмади. 2016 йил Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси бўлди. 10 га яқин мамлакатларда Осиё ва жаҳон ареналарида Ўзбекистон байроғини кўкларга кўтариб, ҳурмат эътиборига сазовор бўлди.

Жорий йил март ойида Шаҳнозахон Тоғаймуродова ҳаётида тарихий воқеа юз берди. У Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди. Шуҳнозахон келажакда дипломат бўлмоқчи.У шу мутахассислик бўйича билим олиш ҳамда қиличбозлик билан ҳам астойдил шуғулланишни ният қилган.

**Дилором ҲАЙДАРОВА,**
**Сергели туманидаги**
**300-Давлат ихтисослаштирилган**
**умумтаълим мактаби**
**ўқитувчиси.**

РЕКЛАМА

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2020 йил 25 июнь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Очиқ аукционга Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 67-уйда жойлашган «ASAKA» АТБнинг қуйидаги хўжалик жамияти устав фондидаги 9,9% улуши қўйилмоқда:

| Т/р | Хўжалик жамияти номи | Хўжалик жамияти | | Аукционга қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси (сўм) | Савдода иштирок этиш учун закалат пули миқдори (15%) |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | | |
| 1. | «O`ZINVESTLOYIHA» МЧЖ Республика инжиниринг компанияси | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 88-уй | Инжиниринг хизмати | 244 124 000,0 | 36 618 600,0 |

Сотувчи томонидан белгиланган очиқ аукцион шартлари:

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Савдо ғолиби улуш сотилиш баҳосини олди олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда Сотувчининг ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаши шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабгорнинг мажбуриятлар бажарилиши таъминланиши сифатида тўлаган закалат пули шартнома суммасига киритилади.

Харидор улушни ўз номига расмийлаштириш учун монополияга қарши курашиш органларидан белгиланган тартибда рухсатнома олиши мумкин.

Аукционда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

❖ юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, устав нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

❖ жисмоний шахслар учун – паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

❖ аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгорлар, юқорида кўрсатилган закалат пулини, Аукцион ташкилотчиси – «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайҳонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, СТИР: 302071274, 20208000704929318001 ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим.

Аукционда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **1 (бир) кун** аввал соат **18:00да** тўхтатилади.

Мазкур улуш юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, у бўйича такрорий аукцион савдолари, у сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу улуши сотилаётган корхона билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар, унинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ аукцион белгиланган савдо кунлари соат **15:00да** бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй, 8-хона манзилида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи «ASAKA» АТБ: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 67-уй; телефон (78) 120-82-67.

Аукцион ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 14 уй, 8-хона; телефон: (71) 209-23-41; телефакс: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

**Гувоҳнома № 005357**

РЕКЛАМА

## TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2020 йил 25 июнь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади**

Аукцион савдоларига «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «УЗМОБАЙЛ» филиали балансидаги 1997й. и/ч, д/р 01/785DCA, бошланғич нархи 15 328 307,40 сўм бўлган «ДАМАС» русумли; Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2«А»-уйда жойлашган, «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК ТШТТ филиали балансидаги 1996 й. и/ч, д/р 01/168NBA, бошланғич нархи 12 976 000 сўм бўлган «УАЗ-3903»; 1985й. и/ч, д/р 01/558 UCA, бошланғич нархи 9 770 400 сўм бўлган «ГАЗ-5201»; 1979й. и/ч, д/р 01/713 НВА, бошланғич нархи 20 640 000 сўм бўлган «ГАЗ-53А»; 1998й. и/ч, д/р 01/816НВА, бошланғич нархи 20 904 000 сўм бўлган «ГАЗ-2705»; 1988й. и/ч, д/р 01/843GBA, бошланғич нархи 7 895 200 сўм бўлган «ГАЗ-5227»; 2017й. и/ч, д/р 01/710ВВА, бошланғич нархи 145 103 966,42 сўм бўлган «CAPTIVA» русумли автотранспорт воситалари ҳамда Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор шаҳарчаси, У.Носир кўчасида жойлашган Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси (99951-сонли ҳарбий қисм) балансидаги қуйидаги қозонхона жиҳозлари қўйилади.

| № | Номи | Миқдори | Бир бирлик (бир донаси) нинг бошланғич нархи (сўм) | Умумий бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Газ тақсимлаш пункти | 1 дона | 552 256,60 | 552 256,60 |
| 2 | 500 литрли аккумулятор идиши (бак) | 2 дона | 857 745,70 | 1 715 491,40 |
| 3 | Буғ қозони Е1/09 | 4 дона | 12 149 648,70 | 48 598 594,80 |
| 4 | Иссиқ сув қозони (бойлер) | 5 дона | 883 005,90 | 4 415 029,50 |
| 5 | Кимёвий сув тозалаш ускунаси | 3 дона | 1 822 447,20 | 5 467 341,60 |
| 6 | Тузли эритма идиши (бак) | 1 дона | 94 107,30 | 94 107,30 |
| 7 | Конденсат идиш (бак) | 1 дона | 2 160 160,80 | 2 160 160,80 |
| 8 | Деаэратор идиши (бак) | 1 дона | 2 909 023,60 | 2 909 023,60 |
| 9 | Иситиш учун қозон (бойлер) | 7 дона | 2 452 020,20 | 17 164 141,40 |
| 10 | Газ ёқиш мосламаси (горелка газовая) ОСА-1 | 1 дона | 170 112,60 | 170 112,60 |
| 11 | Мазут ёқиш мосламаси (горелка мазутная) ОР-90 | 3 дона | 1 491 093,10 | 4 473 279,30 |
| 12 | Электр насослар (ҳар хил) | 7 дона | 140 000,00 | 980 000,00 |
| 13 | Ҳаво ҳайдаш ускунаси (вытяжной вентилятор) | 2 дона | 300 300,00 | 600 600,00 |
| 14 | Иситиш мойи идиши (резервуар печной топливы) 50т | 2 дона | 828 384,90 | 1 656 769,80 |
| 15 | Мазут учун идиш (ёмкост для мазута) | 2 дона | 165 676,70 | 331 353,40 |
| 16 | Мазут қозони (бойлер для мазута) | 2 дона | 1 988 124,60 | 3 976 249,20 |
| 17 | Мазут фильтрлари (фильтры мазутные) | 5 дона | 1 159 739,00 | 5 798 695,00 |
| 18 | Сув учун идиш (ёмкост для воды) | 1 дона | 1 623 634,60 | 1 623 634,60 |
| 19 | Босим ўлчагичлар (манометры) | 24 дона | 7 000,00 | 168 000,00 |
| 20 | Диэлектрик гиламча (коврик диэлектрический) | 14 дона | 18 900,00 | 264 600,00 |
| 21 | Чилангар столи (стол слесарный) | 1 дона | 252 738,50 | 252 738,50 |
| 22 | Темир шкаф | 2 дона | 189 000,00 | 378 000,00 |

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **2 (икки) кун** аввал соат **18:00**да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида **20 фоизи** миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар **пайшанба** кунлари ўтказилади. Ушбу объектларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат **15:00да** бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй, 8-хона.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 209-23-41; телефакс: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

**Гувоҳнома № 005357**


ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.

▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.

▶ Ямобуры.

▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.

▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

Товары сертифицированы.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz



O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Mahmud TOIR
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Shuhrat JALILOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Farrux HAMROYEV
*(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)*

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e`lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000,Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 551. 2217 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20:00.
Topshirilgan vaqti — 20:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6